

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

48-сон
(1068)
2022 йил
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

439. «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 ноябрдаги ЎРҚ-803-сон Конуни

Бешинчи бўлим

440. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2022 йил 28 октябрдаги 284-сон, Молия вазирлигининг 2022 йил 27 октябрдаги 58-сон ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 27 октябрдаги 59-сон «Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкини сақлаш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниqlаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини

жорий этиш бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1672-3*)

441. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2022 йил 17 ноябрдаги 8-мҳ-сон «Экстернат тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2670-2*)
442. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 26 ноябрдаги 26-мҳ-сон «Нотариуслар томонидан нотариал харакатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ўриқноманинг 122-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-8*)
443. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 24 ноябрдаги 61-сон «Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан криpto-активларни чиқариш, чиқаришини рўйхатдан ўтказиш ва муомалага киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3397*)
444. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг 2022 йил 28 октябрдаги 283-сон «Кўп квартирали уйлардаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулқорларининг мажбурий бадаллари ёки тўловлари миқдорини белгилашда харажатларнинг таркибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3398*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

439 Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида*

Конунчилик палатаси томонидан 2022 йил
21 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 7 октябрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши кўчмас мулкнинг қўйидаги турларига бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга нисбатан татбиқ этилади:

- ер участкаларига;
- биноларга, иншоотларга, шу жумладан қурилиши тугалланмаган обьектларга;
- кўп йиллик дов-дараҳтларга;
- мулкий мажмуа сифатидаги корхонага.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши ер ости бойликларига бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга нисбатан татбиқ этилмайди.

2-модда. Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қонунчилик

Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик хужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

идентификация қилишга оид маълумотлар — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган куни, ойи, йили, шахсий иден-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

тификация рақами, фуқаролиги, яшаш жойи; юридик шахснинг ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг тўлиқ номи, давлат рўйхатидан ўтказилганлик рақами ва санаси, якка тартибдаги тадбиркорнинг туғилган куни, ойи, йили, солиқ тўловчи бўлган юридик шахснинг ёхуд якка тартибдаги тадбиркорнинг идентификация рақами, юридик шахс жойлашган ерининг ёки якка тартибда-ги тадбиркор яшаш жойининг манзили;

кадастр паспорти — кўчмас мулк обьекти тўғрисидаги умумий маълу-мотларни ва обьектнинг кадастр рақамини ўз ичига олган электрон ҳужжат;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни бирламчи давлат рўйхатидан ўтказиши — давлат реестрига кўчмас мулкнинг юзага келиши (шакллантири-лиши) жараёнида, шунингдек мавжуд бўлган (шакллантирилган), ўзига оид ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилмаган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги биринчи ёзувни киритиш;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтка-зиши — юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари юзага келганлиги, бошқа шахсга ўтганлиги, чекланганлиги ва бекор қилин-ганлиги фактини давлат томонидан тан олиш;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши — битимларда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланадиган ёки ваколатли орган томонидан белгиланадиган, кўчмас мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш имконини чеклайдиган шартлар, шунингдек кўчмас мулкнинг мулкдори бўлмаган шахсларнинг (гаровга олувчиларнинг, ижарачиларнинг, кредиторларнинг ва бошқаларнинг) ушбу кўчмас мулкка бўлган мулкий ҳуқуқлари;

кўчмас мулкни техник инвентаризациядан ўтказиши — кўчмас мулкни текшириш натижалари асосида кўчмас мулкнинг мавжудлиги, жой-лашган ери, таркиби, майдони, ҳолати, қиймати ва бошқа тавсифлари тўғри-сидаги маълумотларни тўплаш, аниқлаш ҳамда уларга ишлов бериш;

объектнинг кадастр рақами — ер участкасининг, бинонинг ёки ин-шоотнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида такрорланмайдиган ўзига хос рақами бўлиб, ушбу рақам кўчмас мулкни шакллантириш чоғида берилади ва унинг рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқнинг ягона обьекти сифатида мавжуд бўлиши даврида сақланиб туради;

хуқуқни белгиловчи ҳужжатлар — кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар-нинг юзага келишини, бошқа шахсга ўтишини, чекланиши ва бекор қилини-шини белгиловчи ҳужжатлар;

хуқуқ әгаси — кўчмас мулкка бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтка-зиши асосида ушбу кўчмас мулкка доир хуқуққа эга бўлган юридик ва (ёки) жисмоний шахс.

4-модда. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг асосий принциплари

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг асо-сий принциплари куйидагилардан иборат:

қонунийлик;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг мажбурийлиги;

давлат рўйхатидан ўтказилган кўчмас мулкка бўлган хуқуқларнинг устуворлиги;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқлар тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги; таққосланувчанлик ва мувофиқлик.

5-модда. Қонунийлик принципи

Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик хужжатлари талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилиши керак.

6-модда. Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг мажбурийлиги принципи

Кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқлар юзага келганлиги, бошқа шахсга ўтганлиги, чекланганлиги ва бекор қилинганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

7-модда. Давлат рўйхатидан ўтказилган кўчмас мулкка бўлган хуқуқларнинг устуворлиги принципи

Давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни рўйхатдан ўтказиш бўйича органда биринчи бўлиб давлат рўйхатидан ўтказиш ҳуқуқи устувордир.

8-модда. Кўчмас мулкка бўлган хуқуқлар тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги принципи

Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш натижалари ҳамма учун очиқдир, бундан давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган маълумотлар мустасно.

9-модда. Таққосланувчанлик ва мувофиқлик принципи

Давлат реестрига киритиладиган маълумотлар кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган хужжатлардаги маълумотлар билан таққосланувчан ва уларга мувофиқ бўлиши керак.

10-модда. Давлат рўйхатидан ўтказиладиган кўчмас мулкка бўлган хуқуқлар ва чекловлар

Кўчмас мулкка бўлган қўйидаги хуқуқлар ёки чекловлар давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим:

мулк ҳуқуқи;

доимий эгалик қилиш ҳуқуқи;

доимий фойдаланиш ҳуқуқи;

мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи;

ижара ҳуқуқи;

иккиламчи ижара ҳуқуки;
хўжалик юритиш ҳуқуки;
оператив бошқариш ҳуқуки;
кўчмас мулкни ишончли бошқариш ҳуқуки;
бепул фойдаланиш ҳуқуки;
рента;
ипотека;
сервитут;
кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларга нисбатан қонундан келиб чиқадиган ёки ваколатли давлат органлари томонидан қўйилган (белгиланган) чекловлар.

11-модда. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кетма-кетлиги

Биноларга, иншоотларга, шунингдек қурилиши тугалланмаган обьектларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ушбу кўчмас мулк жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилмагунига қадар амалга оширилмайди.

Бинонинг бир қисмига (квартиralарга, хоналарга) бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш улар жойлашган бинога бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмагунига қадар амалга оширилмайди.

Мулкий мажмуа сифатида бутун корхонага бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш бу корхона таркибига кирадиган ер участкаларига, биноларга ва иншоотларга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмагунига қадар амалга оширилмайди.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ бошқа шахсларга ўтганлигини, чекланганини ва бекор қилинганини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли ҳуқуқ юзага келганлиги давлат рўйхатидан ўтказилмагунига қадар амалга оширилмайди.

12-модда. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни бекор қилиш

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида юзага келадиган низоларни судга қадар ҳал қилиш комиссияси томонидан (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) ёки суднинг қарорига кўра бекор қилиниши мумкин.

2-боб. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги давлат бошқаруви

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида-ги ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилайди;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ҳақ миқдорини белгилайди;

давлат реестридан кўчирмаларнинг шаклларини тасдиқлайди;

рўйхатдан ўтказувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни аттестация-дан ўтказиш тартибини белгилайди;

кадастр рақамларини бериш тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси худудида кўчмас мулк манзилларини бериш-нинг, ўзгартиришнинг, уларнинг амал қилишини тугатишнинг ягона тарти-бини белгилайди;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида юзага келадиган низоларни судга қадар ҳал қилиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**14-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳу-
зуридаги Кадастр агентлигининг кўчмас мулкка бўл-
ган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳаси-
даги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органидир (бундан бўён матнда маҳсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Маҳсус ваколатли давлат органи:

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида-ги давлат сиёсатини амалга оширади;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида-ги норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва ўз ваколат-лари доирасида уларни тасдиқлайди;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйи-ча органлар фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, уларнинг фаолиятини мувофиқлаширади ва назорат қилади;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича органларнинг ҳисобдорлиги қоидаларини ва тартибини белгилайди;

кўчмас мулкни техник инвентаризациядан ўтказишни тайинлаш асосла-рини ва кўчмас мулкни техник инвентаризациядан ўтказиш тартибини тас-диқлайди;

монопол бўлмаган кадастр ишларининг турларига доир базавий тарифлар-ни белгилайди;

бош рўйхатдан ўтказувчи, рўйхатдан ўтказувчи лавозимларига танлов ўтказиш тартибини белгилайди;

давлат реестридаги маълумотларни тақдим этиш, давлат реестрига

ўзгартишлар киритиш ва ундаги ёзувни бекор қилиш тартибини тасдиқлайди;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини мониторинг қилиш тартибини белгилайди;

рўйхатдан ўтказувчининг касб одоби қоидаларини тасдиқлайди.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

15-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича органдир (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказувчи орган деб юритилади).

Рўйхатдан ўтказувчи орган:

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни ташкил этади ва амалга оширади;

давлат реестрини юритади, давлат реестридаги ахборотни рухсатсиз фойдаланилишдан, ўғирланишдан ва йўқ қилинишдан ҳимоя қиласди;

давлат рўйхатидан ўтказишга доир ишларнинг юритилиши қоидаларини тасдиқлайди;

рўйхатдан ўтказувчи органларнинг бош рўйхатдан ўтказувчи, рўйхатдан ўтказувчи лавозимларини эгаллаш учун танловлар ўтказади, рўйхатдан ўтказувчиларнинг реестрини юритади;

рўйхатдан ўтказувчилар учун кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш масалалари бўйича услугбий кўрсатмалар ишлаб чиқади ва уларга услугбий ёрдам кўрсатади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги мурожаатларини кўриб чиқади;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш мониторингини амалга оширади;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш мониторинги натижасида аниқланган қонунчилик талабларига риоя этилмаган холларда Комиссияга мурожаат қиласди, Комиссиянинг қароридан норози бўлган тақдирда эса манфаатдор шахсларнинг ёки кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказувчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқувчи коллегиал органга (бундан буён матнда Апелляция комиссияси деб юритилади) мурожаат қиласди;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ахборотни тўплайди, таҳлил қиласди ва умумлаштиради;

давлат реестрининг жамланма кўрсаткичларини тўплайди, таҳлил қиласди, умумлаштиради ва ҳар йили оммавий ахборот воситаларида эълон қиласди.

Рўйхатдан ўтказувчи орган қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

16-модда. Воситачилар

Воситачилар жисмоний ва юридик шахсларга кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича хизматларни рўйхатдан ўтказувчи орган билан электрон ахборот алмашиш орқали кўрсатади.

Воситачилар қўйидагилардан иборат:

- давлат хизматлари марказлари;
- нотариал идоралар, нотариуслар;
- риэлторлик ташкилотлари;
- тижорат банклари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида бошқа юридик ва жисмоний шахслар ҳам воситачилар сифатида белгиланиши мумкин.

Воситачилар қўйидаги хизматларни кўрсатиши мумкин:

кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, давлат реестридаги маълумотларни ва ҳужжатларни бериш тўғрисида аризалар тайёрлаш;

кейинчалик рўйхатдан ўтказувчи органга топшириш учун жисмоний ёки юридик шахслардан кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, давлат реестрига ўзгартишлар киритиш, давлат реестридан олинадиган маълумотларни ва ҳужжатларни тақдим этиш учун ҳужжатларни қабул қилиш;

воситачиларга тақдим этиладиган қофоздаги ҳужжатларнинг электрон кўчирма нусхаларини тайёрлаш;

рўйхатдан ўтказувчи органга электрон ҳужжатларни ва маълумотларни юбориш.

Воситачилар рўйхатдан ўтказувчи органга юбориладиган электрон ҳужжатларнинг ва маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгар бўлади.

3-боб. Кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилдини тайёрлаш

17-модда. Кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилдини шакллантириш учун асослар

Кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилдини шакллантириш учун қўйидагилар асос бўлади:

ер участкаларининг берилганлиги (реализация қилинганлиги);

бинонинг, иншоотнинг қурилганлиги ва фойдаланишга топширилганлиги;

белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида қурилиши тугалланманган объектнинг мавжудлиги;

кўчмас мулкнинг бўлинганлиги;

кўчмас мулкнинг бирлаштирилганлиги.

Кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилди қонунчиликда назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам шакллантирилиши мумкин.

18-модда. Кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилдига ва кадастр паспортига ўзгартишлар киритиш учун асослар

Кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилдига ва кадастр паспортига ўзгартишлар киритиш учун қўйидагилар асос бўлади:

ер участкасининг чегараси ўзгарганлиги (чизиқларнинг узунлиги, ер участкасининг бурилиш нуқталари сони ёки унинг чегарасининг бурилиш бурчаклари ўзгарганлиги, бунда кадастр рақами ва ер участкасининг мўлжалланган мақсади ўзгармайди);

бинонинг, иншоотнинг юқори қавати, уйга туташ қисм, алоҳида жой қурилганлиги ва фойдаланишга топширилганлиги;

бинонинг, иншоотнинг қайта қурилганлиги ва фойдаланишга топширилганлиги;

бинонинг, иншоотнинг, қурилиши тугалланмаган объектнинг бир қисми бузилганлиги (вайрон бўлганлиги) ёки йўқ қилинганлиги;

кўчмас мулкнинг мўлжалланган мақсади ўзгарганлиги;

қурилиши тугалланмаган объектнинг қурилиши тугалланганлиги ва фойдаланишга топширилганлиги.

Кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилдига ва кадастр паспортига ўзгартишлар киритиш қонунчиликка мувофиқ бошқа асосларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқук тури ёки ҳуқук эгаси ўзгарганда кадастр паспорти ўзгартирилмайди. Кўчмас мулкнинг бир қисми бошқа шахсга ўтказилганда ёки унга ўзгартишлар киритилганда (реконструкция қилиш, қўшимча иморат қуриш ва (ёки) алоҳида иморат қуриш), кўчмас мулкка бўлган ҳуқукни давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилди шакллантирилганидан ва кадастр паспорти берилганидан кейин амалга оширилади.

19-модда. Кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилдини тугатиш ва архивлаштириш учун асослар

Кадастр йиғмажилдини тугатиш ва архивлаштириш учун қўйидагилар асос бўлади:

ер участкасининг жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганлиги;

кўчмас мулкнинг бўлинганлиги;

кўчмас мулкнинг бирлаштирилганлиги.

Кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилдини тугатиш ва архивлаштириш қонунчиликка мувофиқ бошқа асослар бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин.

4-боб. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга оид фаолиятни ташкил этиш

20-модда. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг фаолиятини молиялаштириш манбалари

Рўйхатдан ўтказувчи орган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат

рўйхатидан ўтказганлик учун қонунчиликда белгиланган миқдорда ҳақ ундиради.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг фаолияти кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказганлик, ахборот тақдим этганлик ва улар билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширганлик учун тўловлар тарзида келиб тушадиган маблағлар, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан молиялаштирилади.

21-модда. Рўйхатдан ўтказувчилар ва бош рўйхатдан ўтказувчилар

Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш рўйхатдан ўтказувчи ёки бош рўйхатдан ўтказувчи томонидан давлат реестрига ёзув киритиш орқали амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказувчи:

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни ушбу Конунда белгиланган тартибда қабул қиласи;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни уларнинг кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги ни аниқлаш мақсадида таҳлил қиласи;

ҳужжатларни кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилдига киритади;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни ва ҳужжатларни ахборот-коммуникация тизимлари воситасида давлат органларидан, бошқа ташкилотлардан ва воситачилардан олади;

ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини ва улардан кўчирмаларни тайёрлайди;

рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан белгиланган ҳолларда ва тартибда кўчмас мулкнинг техник инвентаризациясини ҳамда тавсифлари текширилишини тайинлайди;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни ушбу Конун 43-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тўхтатиб туради;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни ушбу Конуннинг 44-моддасида назарда тутилган ҳолларда рад этади;

давлат реестрига ўзгартиш ва қўшимчалар киритади;

давлат реестрига киритилган ёзувларни ушбу Конуннинг 27-моддасига мувофиқ бекор қиласи.

Бош рўйхатдан ўтказувчи ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган ҳаракатлардан ташқари қўйидагиларни амалга оширади:

корхонага бўлган хуқуқни мулкий мажмуя сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни;

Ўзбекистон Республикасининг икки ёки ундан ортиқ маъмурӣ-ҳудудий бирлигига жойлашган кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни.

Бош рўйхатдан ўтказувчи ёки рўйхатдан ўтказувчи кўчмас мулкка бўлган хуқуqlарни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида:

кўчмас мулкка бўлган хуқуqlарни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризани ва кадастр ҳужжатларини кўриб чиқади, уларни давлат реестрида мавжуд бўлган ахборот ва маълумотлар билан таққослади;

кўчмас мулкка бўлган хуқуqlарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асослар мавжудлигини аниқлайди;

умумий кўчмас мулк иштирокчиларининг сонини ва уларнинг улушлари миқдорини аниқлайди;

кўчмас мулкка бўлган хуқуqlарни давлат рўйхатидан ўтказишга монелик қилувчи омилларни, бу кўчмас мулкни гаровга бериш ёки бошқа шахсга ўтказиш учун чекловлар мавжудлигини давлат реестридаги маълумотлар воситасида аниқлайди;

айни бир кўчмас мулкка бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида бошқа шахсларнинг аризалари мавжудлигини аниқлайди.

Агар манфаатдор шахс рўйхатдан ўтказувчининг ёки бош рўйхатдан ўтказувчининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида ўзининг хуқуqlари бузилган деб ҳисобласа, у рўйхатдан ўтказувчининг ёки бош рўйхатдан ўтказувчининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан Комиссияга ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли.

22-модда. Рўйхатдан ўтказувчилар ёки бош рўйхатдан ўтказувчилар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари

Рўйхатдан ўтказувчи ёки бош рўйхатдан ўтказувчи:

тадбиркорлик фаолияти билан шуфулланиш;

кўчмас мулкка бўлган хуқуqlарни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ масалалар бўйича учинчи шахсларнинг ишончли вакили бўлиш;

жисмоний ва юридик шахсларга ҳақ олиш эвазига ёрдам бериш ёки воситачилик қилиш;

кўчмас мулкка бўлган хуқуqlарни ўз номига, ўзининг яқин қариндошлири номига, шунингдек давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларидан шахсан манфаатдор бўлган ҳолатда давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш хуқуқига эга эмас.

5-боб. Давлат реестрини юритиш

23-модда. Давлат реестрининг мазмуни ва уни юритиш

Давлат реестри кўчмас мулк, унга бўлган хуқуqlар, шунингдек хуқуқ ёгалари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси тарзида тизимлаштирилган маълумотлар тўпламидан иборатdir.

Кўчмас мулкка бўлган хуқуqlарнинг юзага келишини, бошқа шахсга ўтишини, чекланишини ва бекор қилинишини назарда тутувчи ҳужжатлар ушбу кўчмас мулк ҳақидаги маълумотлар давлат реестрига киритилганидан кейин кучга киради.

Давлат реестрига қўйидаги маълумотлар киритилади:

давлат реестридаги ёзувнинг тартиб рақами;

кўчмас мулкка доир ҳуқуқлар тегишли бўлган солиқ тўловчи юридик шахснинг номи ва идентификация рақами ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда шахсий идентификация рақами;

ҳуқуқ эгасининг улуси;

ер участкасининг кадастр рақами, майдони, жойлашган ери, ҳуқуқ тури, кадастр қиймати;

ер участкасига бўлган ҳуқуқни белгиловчи хужжатлар;

ер участкасининг мўлжалланган мақсади;

ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши;

сервитутлар;

биноларнинг, иншоотларнинг, кўп йиллик дов-дараҳатлар турларининг ва сонининг рўйхати;

бинонинг, иншоотнинг кадастр рақами, майдони, ҳуқуқ тури ва кадастр қиймати;

биноларга, иншоотларга ва кўп йиллик дов-дараҳатларга бўлган ҳуқуқни белгиловчи хужжатлар;

биноларга, иншоотларга ва кўп йиллик дов-дараҳатларга бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши;

ипотека тўғрисидаги ахборот;

мулкий мажмуа сифатидаги корхона таркибидаги унинг фаолияти учун мўлжалланган барча мол-мулкнинг турлари, шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хом ашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек корхонани, унинг маҳсулотини, ишларни ва хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзига хос белгиларга (фирма номига, товар белгиларига, хизмат кўрсатиш белгиларига) бўлган ҳуқуқлар ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар тўғрисидаги маълумотлар;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар юзага келганлиги, бошқа шахсга ўтганлиги, чекланганлиги ва бекор қилинганлиги давлат рўйхатидан ўтказилган кун, ой, йил.

Давлат реестри давлат тилида, электрон шаклда юритилади.

24-модда. Давлат реестри маълумотларининг бут сақланишини таъминлаш

Давлат реестрига киритилган маълумотлар ва уларга киритиладиган ўзартишлар давлат реестрида доимий равишда сақланиши лозим ва уларнинг йўқ қилинишига ёки олиб қўйилишига йўл қўйилмайди.

Давлат реестри рўйхатдан ўтказувчи органнинг маълумотларга ишлов бериш марказида сақланади.

25-модда. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир иш

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир иш (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказишга доир иш деб юритилади) кўч-

мас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга оид маълумотларнинг электрон жамланмасидан иборатdir.

Рўйхатдан ўтказишга доир иш электрон ахборот тизимида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни бирламчи давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида очилади, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши давлат рўйхатидан ўтказилаётганда эса ёпилади.

Рўйхатдан ўтказишга доир иш рақамига эга бўлади.

Рўйхатдан ўтказишга доир иш хужжатларнинг рўйхатини ўз ичига олади. Рўйхат ёзувлар кетма-кетлиги тартибида шакллантирилади.

Рўйхатдан ўтказишга доир ишга киритилган хужжатларнинг олиб қўйилишига йўл қўйилмайди.

Рўйхатдан ўтказишга доир иш давлат тилида, электрон шаклда юритилади.

26-модда. Давлат реестрига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

Давлат реестрига ўзгартиш ва қўшимчалар қўйидагилар асосида киритилади:

девлат реестридаги тузатилиши кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг юзага келишига, бошқа шахсга ўтишига, чекланишига ёки бекор қилинишига олиб келмайдиган, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш холатининг ўзгаришига олиб келмайдиган хатони (бундан буён матнда техник хато деб юритилади) тузатиш юзасидан ҳуқуқ эгасининг ёки рўйхатдан ўтказувчининг ташаббуслари;

девлат реестридаги кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар чекланишига, бошқа шахсга ўтишига ёки бекор қилинишига ёхуд манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқларига зарар етишига, кўчмас мулкка бўлган, бартараф этилиши лозим бўлган ҳуқуқнинг юзага келишига олиб келган хатони (бундан буён матнда техник тусга эга бўлмаган хато деб юритилади) тузатиш тўғрисида Комиссиянинг ёки суднинг қарори;

ҳуқуқ эгаларининг идентификация маълумотлари, шунингдек географик обьектларнинг номлари, биноларнинг, иншоотларнинг тартиб рақамлари ўзгарганлиги ҳақидаги давлат органлари ва ташкилотларнинг тегишли маълумномалари ҳамда уларга илова қилинадиган хужжатлар;

юридик шахс қўшиб юборилганлигини, қўшиб олинганлигини, бўлинганлигини, ажратиб чиқарилганлигини, тугатилганлигини, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгаририлганлигини рўйхатдан ўтказган давлат органининг маълумотлари (тугатиш тўғрисидаги маълумотларга муассисларнинг тугатиш пайтидаги улушлари кўрсатилган рўйхат илова қилинади).

Агар ўзгартишлар киритиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатларга ўзгартишлар киритилиши билан боғлиқ бўлса, бу ҳужжатнинг электрон кўчирма нусхаси рўйхатдан ўтказишга доир ишга қўшиб қўйилиши керак.

Рўйхатдан ўтказувчи томонидан йўл қўйилган хатоларни, техник хатоларни тузатиш, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан берилган,

бундай хатолар мавжуд бўлган хужжатларни алмаштириш бепул амалга оширилади.

27-модда. Давлат реестридаги ёзувни бекор қилиш

Давлат реестрига киритилган ёзувлар Комиссиянинг ёки суднинг қарорига кўра бекор қилинади.

Техник хатони тузатиш натижасида давлат реестрига киритилган ўзгартишлар Комиссиянинг ёки суднинг қарорига кўра бекор қилинади.

Суд томонидан давлат реестридаги ёзувнинг бекор қилиниши ва (ёки) кўчмас мулкка бўлган хукуқни тасдиқловчи хужжатларнинг ҳақиқий эмас деб топилиши кўчмас мулкка бўлган хукуқни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган юридик оқибатларни бекор қилиш учун асос бўлади.

Давлат реестрига киритилган навбатдаги ёзув бекор қилинган тақдирда, олдинги ёзув ҳақиқий бўлиб қолади.

Рўйхатдан ўтказувчи давлат реестридаги тегишли ёзув бекор қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичидан мазкур ёзув бекор қилинганлиги тўғрисида Комиссияни ёки судни, шунингдек хукуқ эгаларини ёхуд уларнинг вакилларини хабардор қилиши шарт.

28-модда. Давлат реестридаги маълумотларнинг ва хужжатларнинг кў chirma nusxalari ni taqdim etishi

Рўйхатдан ўтказувчи орган кўчмас мулкка бўлган айрим хукуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳар қандай шахсга факат ушбу шахс идентификация қилинганидан кейин тақдим этиши шарт. Бундай маълумотлар давлат реестридан кў chirma тарзида тақдим этилади.

Кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлган хукуқни белгиловчи хужжатларнинг кў chirma нусхалари фактат хукуқ эгасига ва (ёки) унинг вакилига тақдим этилиши мумкин. Бу хужжатларнинг бошқа шахсларга тақдим этилишига фактат қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган хужжатларнинг кў chirma нусхалари қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этилади.

Маълумотлар ёки маълумотларни асослантирилган ҳолда рад этиши тўғрисидаги ахборот, агар қонунчиликда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, мурожаат қилинган ёки ёзма сўров олинган ва маълумотлар учун ҳақ тўланган кундан эътиборан икки иш куни ичидан тақдим этилади. Маълумотларни бериш рад этилган тақдирда, маълумотлар тақдим этилганлиги учун тўланган ҳақ қонунчиликда белгиланган тартибда қайтарилади.

Маълумотлар давлат реестрига масофадан туриб кириш имконини бериш оркали ҳам тақдим этилиши мумкин.

Тақдим этилиши керак бўлган маълумотларни ёки хужжатни тақдим этмаганлик ёхуд ишончсиз ахборот тақдим этганлик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган тақдим этилган маълумотларнинг ҳисобини

юритади. Рўйхатдан ўтказувчи орган хуқук эгасига тегишли бўлган кўчмас мулк ҳақидаги маълумотларни олган шахслар ва органлар тўғрисидаги маълумотларни унинг сўровига ёки талабига кўра тақдим этиши шарт.

29-модда. Давлат реестридан кўчирма

Давлат реестридан кўчирмада қўйидаги ахборот кўрсатилади:
кўчмас мулк тўғрисидаги умумий маълумотлар;

хуқук эгаси бўлган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, хуқук эгаси бўлган солиқ тўловчи юридик шахснинг номи ва идентификация рақами, ҳар бир хуқук эгаси улушкининг микдори;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларнинг ва чекловларнинг рўйхати, хуқуқларнинг ва чекловларнинг амал қилиш муддати, хуқук эгалари ҳамда чекловлар белгиланишидан манфаатдор бўлган шахслар, жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, солиқ тўловчи юридик шахснинг номи ва идентификация рақами, ипотека билан таъминланган мажбуриятларнинг қиймати ёки уни аниқлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат реестридан кўчирманинг тартиб рақами, берилган санаси ва вақти.

Давлат реестридан кўчирмада маҳсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган кўчмас мулк тўғрисидаги бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

6-боб. Қўчмас мулкка бўлган хуқуқни белгиловчи ҳужжатлар

30-модда. Ер участкаларига бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш асослари

Ер участкаларига бўлган хуқук тури ер участкаларини бериш (реализация қилиш) ҳақидаги ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

Агар ер участкасини ажратиш (реализация қилиш) тўғрисидаги 2021 йилнинг 1 августига қадар қабул қилинган ҳужжатларда ер участкасига бўлган хуқук тури кўрсатилмаган бўлса, қўйидаги хуқуқлар тан олинади ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим:

якка тартибда уй-жой қуриш ва уни ободонлаштириш, дехқон хўжаликларини ҳамда жамоа боғдорчилигини ва узумчилигини юритиш учун фойдаланиладиган ер участкаларига нисбатан жисмоний шахсларнинг мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуки;

бинолар ва иншоотлар қурилиши учун берилган ер участкасидан доимий фойдаланиш хуқуки;

қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасини ижарага олиш хуқуки.

31-модда. Ер участкасига бўлган хуқуқларни белгиловчи ҳужжатлар

2021 йилнинг 1 августидан эътиборан қабул қилинган ер участкасига бўлган хуқуқларни белгиловчи ҳужжатлар қўйидагилардан иборат:

ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун — вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимларининг ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратиш ҳақидаги, кўп квартирали ўй жойлашган ер участкасини, шунингдек кўп квартирали уйга туташ бўлган ер участкасини умумий фойдаланиш учун (нотижорат мақсадларда) кўп квартирали ўйлардаги жойлар мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш тўғрисидаги қарорлари;

ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун — давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган давлат ордери;

ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун — ижара шартномаси.

1998 йилнинг 1 июлидан 2021 йилнинг 1 августига қадар қабул қилинган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни белгиловчи хужжатлар қўйидагилардан иборат:

ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун — маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкасини бериш ҳақида ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари, нотариал тасдиқланган мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома, ушбу ҳуқуқнинг аукционда сотиб олинганлигига асосан туман (шаҳар) ҳокими томонидан берилган давлат ордери;

ер участкасига доимий эгалик қилиш, ундан доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун — маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муайян юридик ва жисмоний шахсларга ер участкаларини бериш ҳақида ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари, электрон савдо майдончасидаги электрон аукцион якунлари тўғрисидаги баённома;

ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун — давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари томонидан берилган давлат ордери;

ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун — ижара шартномаси.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амал қилган даврда олинган ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат архивлари томонидан тасдиқланган қўйидаги хужжатлар асос бўлади:

шахарлар (туманлар) ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда ўй-жой қуриш ва ўй-жойга хизмат кўрсатиш учун шахарлар (туманлар) ерларидан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ер участкалари ажратиш ҳақидаги қарорлари;

шахарчалардаги ва қишлоқлардаги (овуллардаги) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда ўй-жой қуриш ҳамда ўй-жойга хизмат кўрсатиш учун шахарчаларнинг ва қишлоқларнинг (овулларнинг) собиқ колхозлар, совхозлар

ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари худудида бўлмаган ерларидан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуқи асосида ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари;

қишлоқлардаги (овуллардаги) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қишлоқ жойларда шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуқи асосида ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон ССРнинг Ер кодекси амал қилган даврда олинган ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат архивлари томонидан тасдиқланган қўйидаги хужжатлар асос бўлади:

тегишли туманлар, шаҳарлар ва шаҳарчалар халқ депутатлари Кенгашлари ижроия қўмиталарининг якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари;

тегишли қишлоқлар (овуллар) халқ депутатлари Кенгашлари ижроия қўмиталарининг фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш тўғрисида колхозлар аъзолари умумий йиғилишларининг баённомаларини ҳамда совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари директорларининг буйруқларини тасдиқлаш хақидаги қарорлари.

32-модда. Ер участкасида жойлашган бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк бошқа шахсга ўтганда ер участкасига бўлган хуқуқнинг ўзига хос хусусиятлари

Биноларга, иншоотларга ёки бошқа кўчмас мулкка бўлган мулк хуқуқининг бошқа шахсга ўтиши давлат рўйхатидан ўтказилаётганда бу обьектлар билан бирга мазкур обьектлар эгаллаган ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига доимий эгалик қилиш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ва ижара хуқуқи ҳам ўтади.

Агар сотовучи сотилаётган кўчмас мулк жойлашган ер участкасининг мулкдори бўлса, сотиб оловчига ер участкасининг тегишли қисмига бўлган мулк хуқуқи ёки ижара хуқуқи ёхуд кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасида назарда тутилган бошқа хуқуқ ўтказилади.

33-модда. Хусусийлаштирилган ер участкасига бўлган мулк хуқуқининг бошқа шахсга ўтишини белгиловчи хужжатлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Хусусийлаштирилган ер участкасига бўлган мулк хуқуқининг бошқа шахсга ўтишини белгиловчи хужжатлар қўйидагилардан иборат:

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасининг нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномаси;

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасини ҳадя этишга оид нотариал тартибда тасдиқланган шартнома;

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасини айирбошлишга оид нотариал тартибда тасдиқланган шартнома;

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасининг бошқа шахсга рента ҳақи тўланиши шарти билан берилиши назарда тутиладиган, нотариал тартибда тасдиқланган рента шартномаси;

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасини мерос қилиб олиш хукуқи тўғрисидаги ва эр-хотиннинг умумий мулкида бўлган хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасининг тегишли қисмига бўлган мулк хукуқи тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган гувоҳнома;

хусусийлаштирилган ер участкасини унда жойлашган бино ва иншоот билан бирга юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) улуш сифатида бериш тўғрисидаги (агар бу турар жой обьекти бўлса, нотариал тартибда тасдиқланган) шартнома;

хусусийлаштирилган ер участкасини унда жойлашган бино ва иншоот билан бирга муассисга қайтариб бериш тўғрисидаги (агар бу турар жой обьекти бўлса, нотариал тартибда тасдиқланган) шартнома;

жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мулкида бўлган (хусусийлаштирилган), бўш турган ер участкаларини реализация қилиш бўйича суд қарорларини ва бошқа органларнинг қарорларини ижро этиш учун савдолар якунлари ҳақидаги баённома;

суднинг қарори ёки давлат ижроининг қарори ёхуд хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасини бериш тўғрисида ундирувчи ва қарздор ўртасида тузилган, давлат ижроиси томонидан тасдиқланган далолатнома.

34-модда. Ер участкасига бўлган хукуқларнинг бекор қилинишини белгиловчи ҳужжатлар

Ер участкасига бўлган хукуқларнинг бекор қилинишини белгиловчи ҳужжатлар қўйидагилардан иборат:

ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисида халк депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарори ёки ер участкасини олиб қўйиш тўғрисида вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори;

қурилиш амалга оширилмаган ер участкасига нисбатан юридик шахсни рўйхатдан ўтказган давлат органининг ушбу юридик шахс тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлари;

уй-жой бошқа шахсга ўтказилганлиги муносабати билан ер участкасига бўлган хукуқларнинг ўзга шахсга ўтиши тўғрисидаги ҳужжатлар;

қонунчиликда белгиланган бошқа ҳужжатлар.

Ер участкаларига бўлган хукуқларнинг бекор қилиниши давлат реестрига хукуқни бекор қилиш тўғрисидаги ҳужжатнинг номини ва унинг реквизитларини кўрсатган ҳолда тегишли ёзув киритиш орқали амалга оширилади.

Ер участкаларига бўлган хукуқлар бекор қилинганлиги муносабати билан мазкур ер участкаларига бўлган хукуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида илгари юридик ва жисмоний шахсларга берилган ҳужжатлар ўз кучини йўқотган деб топилади.

Ушбу модданинг амал қилиши мулк ҳуқуқида бўлган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

35-модда. Биноларга ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи юзага келганлигини ҳамда бошқа шахсларга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўtkазиш учун асос бўладиган ҳужжатлар

Биноларга ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини ҳамда уларга бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қўйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

1) биноларга ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқининг юзага келганлиги ни давлат рўйхатидан ўтказиш учун:

курилиши (реконструкция қилиниши) тугалланган биноларни ва иншоотларни фойдаланиш учун қабул қилиш далолатномаси ёки улардан фойдаланиш учун рухсатнома;

хусусийлаштирилган бинога, иншоотга ёки турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини белгиловчи давлат ордери;

бинони ва иншоотни мулкдорлар ўртасида бўлиш тўғрисидаги шартнома;

кўп квартирали уйдаги умумий мол-мulkнинг бир қисмини бошқа шахсга бериш тўғрисида умумий улушли мулк барча иштирокчиларининг нотариал тартибида тасдиқланган қарори;

суднинг қарори ёки давлат ижрочисининг қарори;

2) биноларга ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун:

турар жойнинг нотариал тартибида тасдиқланган олди-сотди шартномаси;

нотурар бинонинг, иншоотнинг нотариал тартибида тасдиқланган олди-сотди шартномаси;

нотурар бинонинг ва иншоотнинг олди-сотди шартномаси ҳамда қабул қилиш-топшириш далолатномаси;

корхонанинг нотариал тартибида тасдиқланган олди-сотди шартномаси (бундан ваколатли давлат органининг қарорига биноан танлов (тендер) асосида тузилган корхонанинг олди-сотди шартномаси мустасно) ва қабул қилиш-топшириш далолатномаси;

лизинг тўловлари тўлиқ тўланганлиги тўғрисидаги маълумотнома билан бирга лизинг шартномаси (агар бу турар жой объекти бўлса, нотариал тартибида тасдиқланган лизинг шартномаси);

бинони, иншоотни, турар жойни ҳадя этишга оид нотариал тартибида тасдиқланган шартнома;

умрбод сақлаш шартлари асосида турар жойни (квартирани) бошқа шахсга бериш тўғрисидаги нотариал тартибида тасдиқланган шартнома;

биноларни, иншоотларни, турар жойларни айирбошлишга оид нотариал тартибида тасдиқланган шартнома;

турар жойни бошқа шахсга рента ҳақини киритиш шарти билан ўтказишни назарда тутувчи, нотариал тартибида тасдиқланган рента шартномаси;

давлатнинг хусусийлаштирилган биносига, иншоотига, турар жойига бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери;

мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисидаги ва эр хотиннинг умумий мулки бўлган бинога, иншоотга бўлган ҳуқуқнинг тегишли улушига доир мулк ҳуқуқи тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган гувохнома;

бинони, иншоотни юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) улуш сифатида бериш тўғрисидаги (агар бу турар жой обьекти бўлса, нотариал тартибда тасдиқланган) шартнома;

муассисга унинг улушкини бинолар ва иншоотлар тарзида қайтариб бериш тўғрисидаги (агар бу турар жой обьекти бўлса, нотариал тартибда тасдиқланган) шартнома;

суд қарорларини ва бошқа органларнинг қарорларини ижро этиш чоғида кўчмас мулк обьектини реализация қилиш бўйича аукцион натижалари тўғрисидаги баённома;

суднинг қарори ёки давлат ижроининг қарори ёхуд давлат ижроиси томонидан тасдиқланган бинони ва иншоотни қарздордан ундирувчига ўтказиш далолатномаси.

Бинолар ва иншоотларнинг қайта ихтисослаштирилиши муносабати билан давлат реестрига ўзгартириш киритиш учун қўйидаги хужжатлар асос бўлади:

туман (шаҳар) қурилиш бўлимининг турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсатномаси;

туман (шаҳар) қурилиш бўлимининг нотурар бинони турар жой тоифасига ўтказиш учун рухсатномаси;

туман (шаҳар) қурилиш бўлимининг нотурар бинони қайта ихтисослаштириш учун рухсатномаси.

Ўзбекистон ССРнинг қонунчилиги амал қилган даврда қурилган биноларга ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қўйидаги хужжатлар асос бўлади:

ваколатли давлат органларининг биноларни ва иншоотларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги хужжатлари, қарорлари ва фармойишлари;

кўчмас мулк олди-сотдисига, уни айирбошлашга, хадя қилишга, бўлишга ва турар жойни умрбод сақлаш шарти билан бошқа шахсга беришга доир, иморат қуриш тўғрисидаги, ер участкаларини хусусий мулк ҳуқуқи асосида уйлар қуриш учун бериш ҳақидаги, якка тартиbdагi иморат қурувчиларнинг ўй-жой қурилиш жамоаларига уйлар қуриш учун ер участкаларини бериш тўғрисидаги, эр-хотин ўртасида ўйни бўлиш ҳақидаги нотариал тартибда тасдиқланган шартномалар;

халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари ижроия қўмиталарининг иморатларга бўлган мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги (мавжуд хужжатлар асосида) қарорлари;

умумий мулк бўлган иморатнинг тегишли қисмiga бўлган мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисидаги ва мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувохномалар ҳамда ўй очиқ ким ошди савдоларида олинганилиги тўғрисидаги гувохномалар;

биноларга ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқукини тасдиқловчи қонуний кучга кирган суд қарорлари ва ажримлари;

кўчмас мулкнинг бошқа шахсга берилиши ҳақидаги шартномаларнинг дубликатлари.

Биноларга ва иншоотларга бўлган ижара ҳуқуки ижара шартномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилади.

36-модда. Бинолар ва иншоотларга бўлган хўжалик юритиш ҳуқуки ҳамда оператив бошқариш ҳуқукини белгиловчи ҳужжатлар

Бинолар ва иншоотларга бўлган хўжалик юритиш ҳуқуки ҳамда оператив бошқариш ҳуқукини белгиловчи ҳужжатлар қўйидагилардан иборат:

давлат органларининг давлат ташкилотларини ташкил этиш ҳамда уларга бинолар ва иншоотларни хўжалик юритиш ҳуқуки ёки оператив бошқариш ҳуқуки асосида бериш тўғрисидаги қарорлари;

давлат органларининг ёки хўжалик бошқаруви органларининг биноларни ва иншоотларни давлат корхоналарига ҳамда муассасаларига бериш ҳақидаги қарорлари;

муассисларнинг ўзи ташкил этган муассасаларга биноларни ва иншоотларни бериш тўғрисидаги қарорлари.

37-модда. Курилиши тугалланмаган объектларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш

Ажратилган ер участкасида тасдиқланган лойиха ҳужжатларига мувофиқ қурилиши бошланган, лекин кўрсатилган муддатда тугалланмаган ёки қурилиши тугалланган, бироқ қурилишни (реконструкция қилинишни) қабул қилиб олиш далолатномаси (фойдаланиш учун рухсатнома) асосида фойдаланиш учун қабул қилиб олинмаган бинолар ва иншоотлар қурилиши тугалланмаган объектлардир.

Қурилиши тугалланмаган объектларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, агар тегишли лойиха ташкилоти бу объектларнинг қурилиши бошланганлигини тасдиқласа, рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан амалга оширилади. Бунда бинонинг ва иншоотнинг пойдеворини ҳамда биринчи қавати деворларини тиклаш якунланганлиги қурилишни бошланган деб топиш учун асос бўлади.

Қурилиши тугалланмаган объектларга бўлган ҳуқуқлар бу объект жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ва лойиха ташкилотининг мазқур объектнинг қурилиши шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тасдиқланган шаҳарсозлик лойиҳаси асосида бошланганлигини тасдиқловчи маълумотномаси асосида рўйхатдан ўтказилади.

Электрон онлайн-аукцион орқали инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан олинган ер участкаларида, шунингдек ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида жойлашган қурилиши тугалланмаган объектлар давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

38-модда. Биноларга ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг бекор қилинишини белгиловчи ҳужжатлар

Биноларга ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг бекор қилинишини белгиловчи ҳужжатлар жумласига қўйидагилар киради:

юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказган давлат органининг юридик шахс тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси (мазкур маълумотномага муассисларнинг юридик шахсни тугатиш пайтидаги улушлари кўрсатилган рўйхат илова қилиниши керак);

халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер участкасини ёки унинг бир қисмини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисидаги қарорлари;

биноларнинг ва иншоотларнинг, уй-жойнинг олди-сотдисига, уй-жойни ҳадя қилишга, айирбошлишга, рента ҳақини тўлаш шартлари билан бошқа шахсга ўтказишга доир нотариал тартибда тасдиқланган шартномалар;

мулкдорнинг ёки биноларни, иншоотларни бошқариш бўйича ваколатли органларнинг қарори (мулкдор жисмоний шахс бўлган тақдирда — биноларни, иншоотларни бузиш тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи органнинг вакили иштироқида тузилган далолатнома);

бинонинг, иншоотнинг табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар натижасида вайрон бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

суднинг қарори ёки давлат ижроисининг қарори ёхуд ундирувчи ҳамда қарздор ўртасида бинони, иншоотни бериш тўғрисидаги давлат ижроиси томонидан тасдиқланган далолатнома.

39-модда. Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш

Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қўйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

1) кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқининг юзага келишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун:

қишлоқ хўжалиги органларининг кўп йиллик дов-дарахтларни фойдаланиш учун қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаси;

тугатиш комиссиясининг фуқароларга фермер хўжаликлари ташкил этиш учун қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (фермер хўжаликлари-нинг) боғларини ва токзорларини аукционда сотиш тўғрисидаги баённомаси ҳамда туман (шаҳар) ҳокими ва ижараги ўртасидаги шартнома;

боғдорчиликка, узумчиликка, ипакчиликка ихтисослашган хўжалик ташкил этиш учун ер участкаларини узок муддатли ижарага бериш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокими ва ижараги ўртасидаги шартнома;

ер участкасини кўп йиллик дов-дарахтлар экиш ҳуқуқини бериш учун узок муддатли ижарага бериш тўғрисидаги шартномага доир қўшимча келишув;

ўрмон фонди ерларини ижарага бериш тўғрисида давлат ўрмон хўжалигини бошқариш органлари ва ижарачи ўртасидаги шартнома;

2) кўп йиллик дов-дараҳатларга бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун:

кўп йиллик дов-дараҳатларнинг олди-сотдисига оид нотариал тартибда тасдиқланган шартнома;

лизинг тўловлари тўлиқ тўланганлиги тўғрисидаги маълумотнома билан нотариал тартибда тасдиқланган лизинг шартномаси;

кўп йиллик дов-дараҳатларни ҳадя этиш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган шартнома;

кўчмас мулкни айирбошлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган шартнома;

мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисидаги ва эр-хотиннинг умумий мулкида бўлган кўп йиллик дов-дараҳатларнинг тегишли қисмига бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган гувоҳнома;

суд қарорларини ва бошқа органларнинг қарорларини ижро этиш чоғида кўчмас мулкни реализация қилиш бўйича аукцион якунлари тўғрисидаги баённома;

суднинг қарори ёки давлат ижроқисининг қарори ёхуд кўп йиллик дов-дараҳатларни бериш тўғрисида ундирувчи ва қарздор ўртасида тузилган, давлат ижроқиси томонидан тасдиқланган далолатнома.

Куйидаги кўп йиллик дов-дараҳатларга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилмайди:

ер участкасига бўлган ҳуқуқ расмийлаштирилмаган ерларга экилган кўп йиллик дов-дараҳатлар, бундан ўрмон фондининг ижарага олинган ерларига экилган кўп йиллик дов-дараҳатлар мустасно;

кўчатхоналардаги кўчатлар;

юридик шахсларнинг балансида бўлмаган кўп йиллик дов-дараҳатлар;

фойдаланиш учун қабул қилинмаган кўп йиллик дов-дараҳатлар;

кўп йиллик бутазорлар ва резавор ўсимликлар;

ўрмон хўжаликларининг ва бошқа ўрмон хўжалиги давлат корхоналарининг, муассасаларининг ҳамда ташкилотларининг балансидаги ўрмонлар ва кўп йиллик дов-дараҳатлар;

илмий-тадқиқот ташкилотларининг кўп йиллик дов-дараҳатлари;

аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, шу жумладан ташкилотларнинг ерларида кўкаламзорлаштириш мақсадида экилган кўп йиллик дов-дараҳатлар;

узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларида ижарага берувчининг рухсатисиз экилган кўп йиллик дов-дараҳатлар.

7-боб. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва уларга оид чекловларни давлат рўйхатидан ўтказиш

40-модда. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир ҳаракатлар

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир ҳаракатлар қўйидаги босқичларга мувофиқ амалга оширилади:

кўчмас мулкка бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган аризани ва ҳуқуқни белгиловчи хужжатларни қабул қилиш;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган хужжатларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ни тасдиқлаш.

Чет эл юридик ёки жисмоний шахсларининг мулкида бўлган кўчмас мулк реализация қилинган тақдирда, бу кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкни реализация қилишдан олинган даромадлардан фойда солиғи юридик шахс томонидан ёки жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи жисмоний шахс томонидан тўланганидан кейин амалга оширилади, бундан кўчмас мулк Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахсга реализация қилинган ҳоллар мустасно.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган солиқлар тўланганлиги хақидаги маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи органга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ахборот-коммуникация тизими орқали ўша кунда тақдим этилади.

41-модда. Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган хужжатлар ва уларга доир умумий талаблар

Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги хужжатлар тақдим этилади:

ариза;

идентификация қилиш маълумотларини ўз ичига олган хужжатлар, шунингдек ваколатли вакилларнинг ҳамда мансабдор шахсларнинг ваколатларини тасдиқловчи хужжатлар ва (ёки) битимнинг мазмунини ифодаловчи хужжатни имзолаган шахсларнинг ваколатларини тасдиқловчи хужжатлар;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўладиган хужжатлар.

Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган хужжатлар қириб ўчирилган ёзувларни, тасдиқланмаган тузатишларни ва хужжатларнинг мазмунини бир хил талқин этишга имкон бермайдиган жиддий шикастланишларни ўз ичига олмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет давлатларнинг қонунчилигига мувофиқ тузилган хужжатлар, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, легаллаштирилган ёки апостиль кўйилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат тилига таржима қилинган бўлиши (таржиманинг аниқлиги ёки таржимон имзосининг ҳақиқийлиги нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши) керак.

42-модда. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни қабул қилиш

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга, шу жумладан воситачилар орқали ахборот-коммуникация тизимларидан фойдаланилган ҳолда берилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг асл нусхалари рўйхатдан ўтказувчига воситачилар уларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаганидан кейин юборилади.

Рўйхатдан ўтказувчи давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилишни қўйидаги ҳолларда рад этади, агар:

ариза ваколати бўлмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

ҳужжатлар ваколатли шахс томонидан ёки белгиланган тартибда тақдим этилмаган бўлса;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

нотўғри маълумотлар ёки давлат реестридаги маълумотларга мувофиқ бўлмаган маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжатлар тақдим этилган бўлса (бундан техник хатолар мустасно);

воситачилар томонидан юборилган маълумотлар ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларга мувофиқ бўлмаса;

давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг мазмуни бир-бирига зид бўлса;

аризада кўрсатилган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш қонун билан тақиқланган бўлса.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатдан ўтказувчи рад этган тақдирда, улар рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда воситачиларга қайтарилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи томонидан қабул қилинган тақдирда, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир кейинги ҳаракатлар ҳам ушбу рўйхатдан ўтказувчи томонидан амалга оширади.

Рўйхатдан ўтказувчи томонидан ўз мажбуриятларини бажариш имконияти бўлмаган тақдирда, уни рўйхатдан ўтказувчи орган раҳбарининг қарорига кўра алмаштиришга йўл қўйилади.

43-модда. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир ҳаракатларни амалга ошириш муддатлари

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир ҳаракатлар тегишли ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга келиб тушган кундан эътиборан икки иш куни ичida амалга оширилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатнинг ҳисоби рўйхатдан ўтказувчи органга ариза келиб тушган кундан эътиборан бошлиниади, агар талаб этиладиган ҳужжатлар ариза билан бирга тақдим этилмаган бўлса, бу муддат талаб этиладиган ҳужжатлар берилган кундан эътиборан бошланади.

Тақдим этилган ҳужжатларда бартараф этилиши мумкин бўлган ёки қўшимча ҳужжатларни талаб этадиган камчиликлар мавжуд бўлганда, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун иш кунига тўхтатиб турилиши мумкин. Бундай ҳолда рўйхатдан ўтказувчи кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўхтатиб турилганлиги тўғрисида воситачини ва (ёки) аризачини бир иш куни ичидаги хабардор қиласи.

44-модда. Рўйхатдан ўтказувчининг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиши

Рўйхатдан ўтказувчи кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни қўйидаги ҳолларда рад этади:

ҳужжатларни қабул қилишни рад этиш учун асослар мавжуд бўлганда; кўчмас мулкнинг тавсифларини текшириш натижалари кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилдиаги мавжуд маълумотларга мувофиқ эмаслиги аниқланганда;

кадастр паспортида кўрсатилган кўчмас мулкнинг майдони (ҳажми) ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатда кўрсатилган майдондан (ҳажмдан) ортиқ бўлса;

агар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши давлат реестрига киритилган бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини бузса;

агар қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қайси кўчмас мулкка нисбатан битимни ёки ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза берилган бўлса, ўша кўчмас мулкни тасарруф этишга доир тақиқ ёки чеклов давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида ёзув мавжуд бўлса;

агар турли ариза берувчилардан бир вақтнинг ўзида айни бир кўчмас мулкни, битимни, ҳуқуқни, ҳуқуқ чекланганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида аризалар келиб тушган бўлса ҳамда уларни бир вақтнинг ўзида давлат рўйхатидан ўтказиш мумкин бўлмаса. Бундай асосларга кўра рад этишга фақат рад этиш учун бошқа асослар мавжуд бўлмаган тақдирда йўл қўйилади;

рўйхатдан ўтказувчи органда мазкур кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги низолар мавжудлигини тасдиқловчи суд ҳужжатлари ёки суднинг сўрови мавжуд бўлса;

кўчмас мулк суд ёхуд бошқа ваколатли орган (мансадор шахс) томонидан мусодара қилинган бўлса;

тақдим этилган ҳужжатларда қарама-қарши ёки бузуб кўрсатилган маълумотлар аниқланганда;

кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилди тузилмаган бўлса ёки кадастр паспорти мавжуд бўлмаса;

рўйхатдан ўтказувчи органда кўчмас мулк қонунчиликда белгиланган тартибда хатловга олинганлиги тўғрисида хужжатлар мавжуд бўлганда;

ер участкасига бўлган ҳуқуқлар қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бекор қилинган бўлса;

хуқуқларнинг юзага келишини белгиламайдиган хужжатлар тақдим этилганда;

чет эл юридик ёки жисмоний шахсига тегишли бўлган кўчмас мулк реализация қилинганда кўчмас мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича фойда солиғи юридик шахс томонидан ёки жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи жисмоний шахс томонидан тўланганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаса, бундан кўчмас мулк Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахсга реализация қилинган ҳоллар мустасно;

ушбу Қонуннинг 11-моддасида белгиланган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кетма-кетлигига риоя этилмаган бўлса;

қурилиши тугалланмаган обьектга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида қурилиш органи томонидан тасдиқланган лойиха ҳамда лойиха ташкилотининг қурилиш лойихага мувофиқ бошланганлиги тўғрисидаги холосаси тақдим этилмаган бўлса;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш рўйхатдан ўтказувчи томонидан тўхтатиб турилган ҳолларда, агар тақдим этилган хужжатлардаги камчиликлар уч иш куни ичida бартараф этилмаган бўлса;

агар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳақ тўланмаган бўлса.

Тузатилган ҳужжатларни кўриб чиқиш чоғида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганлиги тўғрисидаги хабарномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди, бундан ваколатли орган томонидан кўчмас мулкка тақиқ қўйилган ёки кўчмас мулк хатловга олинган ҳоллар мустасно.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни ушбу моддада назарда тутилганидан бошқа асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

Рўйхатдан ўтказувчи давлат рўйхатидан ўтказишга доир харакатларни амалга ошириш рад этилган қундан эътиборан бир иш куни ичida воситачини рад этиш сабабларини ҳамда ушбу рад этиш устидан шикоят қилиш тартибини кўрсатган ҳолда хабардор қилиши шарт.

45-модда. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқлаш

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқнинг юзага келганлиги, бошқа шахсга ўт-

ганлиги, чекланганлиги ва бекор қилинганлиги давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқлаш давлат реестридан кўчирма бериш орқали амалга оширилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар судларнинг ёки ваколатли давлат органларининг ижро этилиши мажбурий бўлган ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органга келиб тушган қарорлари асосида давлат рўйхатидан ўтказилган тақдирда, манфаатдор шахсларга хабарнома ва давлат реестридан кўчирма юборилади.

46-модда. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайт

Давлат реестрига ёзув киритилган сана ва вақт кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдир.

47-модда. Икки ва ундан ортиқ рўйхатдан ўтказиш ҳудудларида жойлашган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир ҳаракатлар

Рўйхатдан ўтказувчи орган ва унинг ҳудудий бошқармалари кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикасининг муайян маъмурий-худудий бирлиги рўйхатдан ўтказиш ҳудудидир.

Икки ва ундан ортиқ рўйхатдан ўтказиш ҳудудида жойлашган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар бош рўйхатдан ўтказувчи томонидан қабул қилинади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича келгусидаги ҳаракатлар рўйхатдан ўтказувчилар томонидан бош рўйхатдан ўтказувчининг ёзма кўрсатмаси асосида амалга оширилади.

48-модда. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалалари ҳал қилиниши муносабати билан давлат реестрига ўзгартишлар киритиши

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бирликларини тузиш, тугатиш, уларнинг чегараларини ўзгартириш, шунингдек маъмурий-худудий бирликларнинг маъмурий марказларини белгилаш, кўчириш, уларнинг бўйсунувини ўзгартириш натижасида кўчмас мулкнинг жойлашган ери ўзгарган тақдирда, тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари ёки Қорсақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёхуд ҳалқ депутатлари вилоят Кенгаши қарорлари асосида давлат реестрига рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан тегишли ўзгартишлар киритилади ҳамда бу хақда ҳуқук эгалари хабардор қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалалари ҳал қилиниши муносабати билан давлат реестрига ўзгартишлар ҳуқук эгасининг аризасисиз бепул асосда киритилади.

49-модда. Мулкий мажмуа сифатида корхонага бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишига доир ҳаракатлар

Мулкий мажмуа сифатида корхонага бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши бош рўйхатдан ўтказувчи амалга оширади.

Мулкий мажмуа сифатида корхонага бўлган ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтганигини давлат рўйхатидан ўтказиш ер участкаларига, биноларга, иншоотларга, курилиши тугалланмаган обьектларга, алоҳида жойларга, бинонинг ёки иншоотнинг, шу жумладан транспорт воситаси тўхтаб туриши учун мўлжалланган (бундан буён матнда автомобиль жойи деб юритилади) бинонинг ёки иншоотнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқларни, агар мазкур кўчмас мулк обьектлари ёки уларга бўлган мулкий ҳуқуқлар мулкий мажмуа сифатида корхона таркибиға кирса, давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Кўчмас мулкка ёки мулкий мажмуа сифатида корхона таркибиға кирган обьектларга бўлган мулкий ҳуқуқларга оид битимлар амалга оширилгунига қадар корхона тегишли кўчмас мулк ёки мулкий ҳуқуқлар корхонадан мулкий мажмуа сифатида олиб қўйилиши муносабати билан техник инвентаризациядан ўтиши керак. Техник инвентаризация натижаларига кўра кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилди тузилади.

Мулкий мажмуа сифатидаги корхонага нисбатан ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишига доир ҳаракатлар натижасида юзага келадиган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши рўйхатдан ўтказувчилар бош рўйхатдан ўтказувчининг ёзма кўрсатмаси бўйича амалга оширади.

Бош рўйхатдан ўтказувчидан давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган хужжатлар келиб тушган сана ва вақт ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ амалга ошириладиган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш пайтидир.

50-модда. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар юзага келганлигини, бошқа шахсга ўтганигини, чекланганлигини ва бекор қилинганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар юзага келганлигини, бошқа шахсга ўтказилганлигини, чекланганлигини ва бекор қилинганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуидагилар асос бўлади:

қонунчиликда назарда тутилган битимлар (шартномалар);

қонунчиликда назарда тутилмаган, лекин унга зид бўлмаган битимлар (шартномалар);

давлат органларининг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар юзага келганлигини, бошқа шахсга ўтганигини, уларга оид чекловларни ва бу ҳуқуқлар бекор қилинганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос сифатида қонунчиликда назарда тутилган хужжатлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари;

давлатга топширилган ва очиқ ким ошди савдоларида (аукционларда) реализация қилинган кўчмас мулк бўйича ким ошди савдоларининг (аукционларнинг) якунлари тўғрисидаги баённомалар;

қонунчиликка мувофик фуқароларнинг, якка тартибдаги тадбиркорларнинг ва юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган хукуқларининг юзага келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор қилиниши билан боғлиқ бўлган бошқа ҳаракатлари.

Кўчмас мулкка бўлган хукуқларга оид чекловни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қўйидагилар асос бўлади:

суднинг кўчмас мулкка бўлган хукуқларга оид чекловни белгилайдиган ёки бекор қиласидаги қонуний кучга кирган қарорлари;

суднинг кўчмас мулкни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги қарорлари, давлат ижроисининг хужжати;

кўчмас мулк мусодара қилинганини тўғрисидаги хабарнома;

кўчмас мулкнинг бошқа шахсга берилишини тақиқлаш тўғрисидаги хабарнома;

кўчмас мулк ипотекаси тўғрисидаги шартнома;

тасарруф этиш хуқуқисиз берилган давлат ордери;

кўчмас мулкка бўлган хукуқларга оид чеклов билан боғлиқ ҳодисалар.

Кўчмас мулкка бўлган хукуқларга оид чеклов давлат рўйхатидан ўтказилаётганда хукуқ эгалари бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан хабардор қилинади.

Кўчмас мулкка бўлган хукуқларнинг бекор қилинишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қўйидагилар асос бўлади:

суднинг кўчмас мулкка бўлган хукуқларни бекор қилувчи қонуний кучга кирган қарорлари (хужжатлари);

суднинг кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги қарорлари, давлат ижроисининг хужжати;

кўчмас мулкка бўлган хукуқларни чақириб олиш билан боғлиқ ҳодисалар.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ёки хукуқни белгиловчи хужжатларсиз фойдаланилаётган ер участкаларига бўлган хукуқлар, шунингдек ўзбошимчалик билан қурилган биноларга ва иншоотларга бўлган хукуқлар, шу жумладан қурилиш чоғида фойдаланиш учун қуриладиган вақтинчалик иморатларга бўлган хукуқлар давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

51-модда. Сервитут юзага келганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўладиган ҳужжатлар

Ер участкасига нисбатан сервитут белгиланишини назарда тутувчи шартнома ёки суднинг қарори сервитут юзага келганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Сервитут юзага келганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатда ер участкаси кўрсатилади, чегаралар белгиланади, шунингдек, агар улар белгиланган бўлса, амал қилиш муддати ва тўлов миқдори кўрсатилади.

52-модда. Кўчмас мулкка бўлган умумий мулк ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш

Кўчмас мулкка бўлган умумий биргалиқдаги мулк ҳуқуқининг юзага келишини давлат рўйхатидан ўтказиш, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, умумий биргалиқдаги мулк иштирокчиларидан бирининг аризаси асосида мулкдорлар номига ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларда кўрсатилган улушларда амалга оширилади.

Агар улушли мулк ҳуқуқи иштирокчилари ўзаро келишув бўйича умумий бинонинг ва иншоотнинг алоҳида қисмларидан ўз улушларига мувофиқ фойдаланиш тартибини белгилаган бўлса, бундай келишув уларнинг мурожаатига кўра рўйхатдан ўтказилиши керак.

53-модда. Кўчмас мулкка бўлган ўзаро боғлиқ ҳуқуқларни, бу ҳуқуқларга оид чекловни давлат рўйхатидан ўтказиш

Агар қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқлар ва уларга оид чеклов ўзаро боғлиқ бўлса (бинога ёки иншоотга бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг юзага келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор қилиниши, мулк ҳуқуқи ҳамда бошқарув ёки оператив бошқарув ҳуқуқи, ер участкаси мавжуд бўлган корхонанинг ёки мулкий мажмуя сифатидаги корхонанинг ижара ҳуқуқи ҳамда иккиламчи ижара ҳуқуқи бекор қилиниши, кўчмас мулкни тўловни ва ипотекани кечиктириш шартлари асосидаги олди-сотди шартномаси бўйича мулкий ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтиши, ўзаро боғлиқ бўлган бошқа ҳуқуқлар ва уларга оид чеклов), уларни давлат рўйхатидан ўтказиш бир вақтнинг ўзида амалга оширилади.

54-модда. Рентани давлат рўйхатидан ўтказиш

Рентани давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида давлат реестрига рентани олувчи, рентани тўловчи ҳамда рентанинг миқдори ёки уни аниқлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

55-модда. Кўчмас мулкни ишончли бошқариш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш

Кўчмас мулкни ишончли бошқариш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида давлат реестрига ишончли бошқаришга берилган кўчмас мулк, ишончли бошқарув муддати, мулкдорнинг, ишончли бошқарувчининг номи ва бошқа шартлар, ишончли бошқарувчининг кўчмас мулкни бошқаришга доир ваколатлари тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Кўчмас мулкни ишончли бошқарувчига топшириш кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтишига олиб келмайди.

56-модда. Кўчмас мулкка қўйилган тақиқни давлат рўйхатидан ўтказиш

Қонунга биноан кўчмас мулкка тақиқ қўйиш ёки тақиқни олиб ташлаш

ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан юборилаётган кўчмас мулкка тақиқ қўйиш ёки тақиқни олиб ташлаш тўғрисидаги хужжат рўйхатдан ўтказувчи органга келиб тушган кундан эътиборан бир иш куни ичидан рўйхатдан ўтказилиши керак.

Кўчмас мулкка қўйилган тақиқ уни кўйган ваколатли мансабдор шахснинг ёки суднинг қарорига биноан олиб ташланади.

57-модда. Кўчмас мулкни бўлиш ва бўлинаётган кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш

Кўчмас мулкни бўлиш унинг мулкдорининг аризасига ёки суднинг қарорига асосан амалга оширилади.

Умумий мулк бўлган кўчмас мулк унинг мулкдорларининг (иштирокчиларининг) ўзаро келишувига кўра бўлинади.

Бўлиш натижасида кўчмас мулкка бўлган хуқуқнинг юзага келганлиги ёки бекор қилинганини шартнома ёки суд қарори билан тасдиқланади. Кўчмас мулкни бўлиш учун бўлинаётган кўчмас мулкка кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилди ва кадастр паспорти шакллантирилади.

Кўчмас мулкни бўлиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Кўчмас мулкнинг муайян турдаги обьектини бўлиш худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ обьектнинг ташкил этилишига олиб келади.

Кўчмас мулк бўлинганидан кейин мазкур кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказишга доир иш ёпилади, янгидан ташкил этилган кўчмас мулкка эса янги рўйхатдан ўтказишга доир иш очилади.

Кўчмас мулкни бўлиш чоғида бу кўчмас мулкка бўлган хуқуқлар ва уларга оид чеклов янгидан ташкил этилган кўчмас мулкка ўтади.

Кўчмас мулкни бўлиш чоғида хуқуқларнинг ва уларга оид чекловларнинг бошқа шахсга ўтиши бўлинаётган кўчмас мулкка нисбатан ушбу хуқуқлар ва чекловларнинг бекор бўлишини ҳамда уларнинг янгидан вужудга келган кўчмас мулкка нисбатан юзага келишини давлат рўйхатидан ўтказиш орқали амалга оширилади.

Умумий биргаликдаги мулкни бўлиш ушбу умумий мулк иштирокчилари ўртасидаги келишувга ёки суд қарорига асосан амалга оширилади.

Кўп квартирали ўйлардаги квартиralар ва қурилиши тугалланмаган обьектлар бўлинмайди.

58-модда. Кўчмас мулкни бирлаштириш ва ушбу кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш

Кўчмас мулкни бирлаштириш кўчмас мулк мулкдорининг қарорига, мулкдорлар ўртасида тузилган шартномага, давлат ижроқисининг ёки суднинг қарорига асосан амалга оширилади.

Кўчмас мулкни бирлаштириш учун асос бўлган хужжатлар бирлаштирилаётган кўчмас мулкнинг мавжудлигини тугатиш ва янги кўчмас мулкни ташкил этиш учун асос бўлади.

Кўчмас мулкни бирлаштириш факат бир турдаги ҳамда бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлган, шунингдек бир хил хуқуқقا эга кўчмас мулкка

нисбатан амалга оширилиши мумкин. Агар бинолар ва иншоотлардан қурилиш ишлари натижасида битта бино, иншоот қурилса, ушбу бинолар ва иншоотлар ҳам бирлаштирилиши мумкин.

Кўчмас мулкнинг икки ёки ундан ортиқ обьектларини бирлаштириш кўчмас мулкнинг бир турдаги битта обьекти юзага келишига олиб келади.

Кўчмас мулк бирлаштирилган тақдирда, бирлаштирилаётган кўчмас мулкларнинг мавжудлиги бекор қилинади.

Кўчмас мулкни бирлаштириш чоғида кўчмас мулкнинг ушбу обьектларини рўйхатдан ўтказишга доир ишлар ёпилади, янгидан ташкил этилган кўчмас мулкка эса янги рўйхатдан ўтказишга доир иш очилади.

Кўчмас мулкни бирлаштириш чоғида бирлаштирилаётган кўчмас мулкка бўлган долзарб ҳуқуқлар ва уларга оид чекловлар бирлаштирилаётган кўчмас мулкка ўтади.

Кўчмас мулкка бўлган амалдаги ҳуқуқларнинг ва уларга оид чекловларнинг бошқа шахсга ўтиши уларнинг бирлаштирилаётган кўчмас мулкка нисбатан бекор қилинишини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда уларнинг янгидан ташкил этилган кўчмас мулкка нисбатан юзага келганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш орқали амалга оширилади.

Юзага келган биргаликдаги мулкка биноларни, иншоотларни, биноларнинг алоҳида жойларини, автомобиль жойларини қўшиб юбориш барча мулкдорлар ўртасидаги шартнома бўйича амалга оширилади.

Кўп квартирали уйлардаги квартиralар ва қурилиши тугалланмаган обьектлар бирлаштирилмайди.

59-модда. Кўчмас мулкка бўлган вақтинчалик ҳуқуқларни ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларга оид чекловлар бекор қилинганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш

Вақтинчалик ҳуқуқларнинг ва чекловларнинг амал қилиш муддати ўтганидан кейин мазкур ҳуқуқлар бекор қилинганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш амалга оширилмайди, бундан кўчмас мулкни ишончли бошқариш ҳуқуқи ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар мустасно.

Агар кўчмас мулкни ишончли бошқаришга доир шартномада кўчмас мулкни ишончли бошқариш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаши назарда тутилмаган бўлса, кўчмас мулкни ишончли бошқариш ҳуқуқи кўчмас мулкни ишончли бошқариш шартномасининг амал қилиш муддати тугаган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

8-боб. Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш

60-модда. Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш асослари

Ипотека тўғрисидаги шартнома нотариал тартибда тасдиqlаниши керак (бундан кўчмас мулкни бирламчи бозордан олиш чоғидаги ипотека тўғрисидаги шартнома мустасно) ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ипотека тўғрисидаги шартнома ипотекани шартнома асосида давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Кредит шартномаси ёки қарз шартномаси қонун асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш давлат реестрига тегишли ёзувни киритиш орқали амалга оширилади.

61-модда. Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби

Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида нотариус ёки банк рўйхатидан ўтказувчи органга ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризанинг, ипотека тўғрисидаги шартноманинг, кредит шартномасининг ёки қарз шартномасининг электрон кўчирма нусхасини тақдим этади.

Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида, агар «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, давлат реестрига ипотека билан таъминланган мажбурият қиймати ёки уни аниқлаш тартиби, шартлари ва муддати ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган хужжатлар олинган кундан эътиборан бир иш куни ичида ипотека рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида давлат реестрига тегишли ёзувлар киритилади.

Ипотекага олувчи билан ипотекага қўювчи ўртасида гаровга қўйилган ёки шикастланган мол-мулкни тиклаш ёки алмаштириш тўғрисида келишув мавжуд бўлганда давлат реестрига ўзгартишлар киритиш ушбу келишув асосида амалга оширилади.

Қонун асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ипотека ўз зиммасига юқлатилаётган шахснинг мулкий хукуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир вақтда амалга оширилади.

Қонун асосидаги ипотека алоҳида аризасиз ва давлат рўйхатидан ўтказсанлик учун ҳақ тўланмаган ҳолда рўйхатдан ўтказилади.

62-модда. Навбатдаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш

Кўчмас мулк обьектига нисбатан навбатдаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ёзувда айни бир кўчмас мулк обьектининг олдинги ипотекалари тўғрисидаги барча ёзувлар ҳақида белги қўйилади.

Навбатдаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг мазмуни навбатдаги ипотека билан алмаштирилганда, шунингдек ипотека предметига бўлган мулк хукуқи ёки бошқа мулкий хукуқлар гаровга қўювчидан бошқа шахсга универсал хукукий ворислик тартибида ёки ушбу мол-мулк ҳақ эвазига ёхуд бепул тасарруфдан чиқарилганлиги натижасида ўтган тақдирда амалга оширилади. Бу талабга риоя этилмаган тақдирда, ипотекага оид мажбуриятга киритилган ўзгартишлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган ипотекани давлат рўйхатидан ўтказишдан ташқари қўйидагиларни амалга оширади:

давлат реестрига ипотека тўғрисида, ипотека тўғрисидаги шартноманинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва тартиб рақами ҳақидаги ёзувларни, кўчмас мулк обьектининг янги мулкдори хукуқларини тасдиқловчи хужжатнинг (олди-сотди, ҳадя шартномалари, мерос тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқалар) реквизитларини киритади;

давлат реестрининг тегишли бандларидаги дастлабки ипотекага қўювчининг хукуқларини чеклаш (уларга шартлар белгилаш) тўғрисидаги аввалги ёзувларни белгиланган тартибда, ипотека тўғрисидаги янги ёзувни ҳисобга олган ҳолда алмаштиради.

63-модда. Ипотекани гаров хати билан тасдиқлаш

Агар ипотека тўғрисидаги шартномада ипотекага олувчининг хукуқларини гаров хати билан тасдиқлаш назарда тутилган бўлса, бу давлат реестрида кўрсатилади. Бунда гаров хати берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ва рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан гаров хати дастлабки ипотекага олувчига бериладиган сана давлат реестрига киритилади.

64-модда. Гаров хатига ўзгартишлар киритиш

Гаров хатининг мазмуни ўзгарган тақдирда, унинг эгаси рўйхатдан ўтказувчи органга янги гаров хатини давлат рўйхатидан ўтказиш учун мурожаат қилиши керак.

Рўйхатдан ўтказувчи орган гаров хатининг мазмунини ўзгартириш тўғрисидаги битим давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги ёзувни давлат реестрига киритади.

Гаров хатининг ажралмас қисми бўлган, унинг мазмунини ўзгартириш тўғрисидаги битимнинг асл нусхаси гаров хатига илова қилинади ва унга тикиб қўйилади.

Гаров хатининг қонуний эгаси рўйхатдан ўтказувчи органдан ўзининг ипотекага олувчи сифатида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини талаб қилишга ҳақли.

Гаров хатининг хуқук эгасини давлат рўйхатидан ўтказиш қўйидагилар асосида бир иш куни ичида амалга оширилади:

гаров хати бўйича хукуқнинг белгиланган тартибда бошқа шахсга ўтиши ва гаров хатига белги қўйиш, агар бундай ёзувни киритган шахс гаров хатининг қонуний эгаси ёки ипотекага олувчи бўлса, агар унинг номига хукуқнинг ўтказилиши тўғрисидаги маҳсус ёзув киритилган ва гаров хати белгиланган тартибда сотилган бўлса;

гаров хати бўйича хукуқлар юридик шахс қайта ташкил этилганлиги натижасида ёки мерос тартибида бошқа шахсларга ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжатлар;

гаров хатига бўлган хукуқлар ариза берувчига тааллуқли деб топилганлиги тўғрисидаги суд қарорлари.

Гаров хатининг хуқук эгасини давлат рўйхатидан ўтказиш давлат реестрига гаров хатининг янги хуқук эгаси тўғрисидаги ёзувни киритиш

орқали амалга оширилади. Давлат реестридаги илгариги ёзув белгиланган тартибда бекор қилинади.

Гаров хати давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги тегишли ёзув давлат реестрига киритилганлигини тасдиқлаш мақсадида аризага асосан гаров хатининг эгасига давлат реестридан кўчирма белгиланган тартибда берилиши мумкин. Бунда мазкур кўчирмада рўйхатдан ўтказилган хукукларнинг чекловларини (шартларини) акс эттириш чоғида ипотека кўрсатилганидан кейин «Гаров хатининг қонуний эгаси» деган ёзув қайд этилади ва янги ипотекага олувчи (гаров хатининг янги қонуний эгаси) тўлиқ маълумотлар киритилади.

9-боб. Низоларни судгача ҳал этиш

65-модда. Комиссияни шакллантириш

Кўчмас мулкка бўлган хукукларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ бўлган низоларни судгача ҳал этиш учун рўйхатдан ўтказувчи орган раҳбарининг буйруғига мувофиқ беш кишидан кам бўлмаган таркибда Комиссия тузилади. Комиссия аъзоларининг сони тоқ бўлиши керак.

Комиссия таркиби рўйхатдан ўтказувчи орган худудий бошқармасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Курилиш вазирлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаларининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармаларининг масъул ходимлари орасидан уларнинг розилиги асосида шакллантирилади.

Кўчмас мулкка бўлган хукукларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилувчи шахс ёхуд давлат рўйхатидан ўтказишни рад этган шахс Комиссия аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг ёки унинг худудий бошқармасининг раҳбари Комиссия раиси бўлади.

Комиссия ўз фаолиятини қонунчиликка мувофиқ амалга оширади.

Комиссия раиси:

Комиссиянинг фаолиятини ва унинг регламентта риоя этишини ташкил қиласиди;

манфаатдор шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жойини, санасини ва вақтини белгилайди;

Комиссия мажлисларини ўтказади ва уларда раислик қиласиди.

Комиссия раиси Комиссия томонидан ишнинг ўз вақтида, тўғри ва вижданон бажарилишини ташкил этиш учун жавобгар бўлади.

Комиссия котиби манфаатдор шахслар мурожаатларининг ва Комиссия иши билан боғлиқ бўлган ҳужжатларнинг сақланиши учун жавобгар бўлади.

66-модда. Комиссияга мурожаат қилиш

Манфаатдор шахс кўчмас мулкка бўлган хукукларни давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида юзага келадиган низоларни судгача ҳал этиш учун Комиссияга ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Жисмоний шахснинг аризасида унинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, юридик шахснинг аризасида эса юридик шахснинг тўлиқ номи,

жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Аризада манфаатдор шахснинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари, шунингдек кўчмас мулк жойлашган ер (почта манзили) тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши керак.

Манфаатдор шахс аризага кўчмас мулк билан боғлик бўлган бошқа маълумотлар ва ҳужжатларни ҳам илова қилишга ҳақли.

67-модда. Мурожаатларни кўриб чиқиш

Комиссия манфаатдор шахснинг мурожаатини у келиб тушган кундан эътиборан ўн иш куни ичida кўриб чиқиши шарт.

Комиссия котиби келиб тушган мурожаатларни шу куннинг ўзида рўйхатга олади.

Комиссия котиби келиб тушган мурожаатларнинг тўғрилигини ҳамда ундаги мавжуд маълумотларнинг тўлиқлигини текширади.

Жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи ёки юридик шахснинг тўлиқ номи ҳамда жойлашган ери (почта манзили) кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида нотўғри маълумотлар тақдим этилган мурожаат, шунингдек шахсни идентификация қилиш имконини бермайдиган электрон мурожаат ёки имзоланмаган ва аноним ёзма мурожаат Комиссия томонидан кўриб чиқилмайди.

Мурожаат рад этилган тақдирда, тегишли хуолоса тузилади ва у Комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

Комиссия котиби Комиссия мажлиси ўтказиладиган санадан камида уч кун олдин Комиссия аъзоларини хабардор қиласади.

Манфаатдор шахс Комиссия мажлисида ҳозир бўлиши мумкин.

Комиссия аъзолари Комиссия мажлисида мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра, кўриб чиқилаётган мурожаатдаги масалага доир барча ҳолатларни эътиборга олган ҳолда қўйидаги қарорлардан бирини қабул қиласади:

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишни бекор қилиш ҳақида;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиши бекор қилиш ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ўз кучида қолдирилиши ҳақида;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ўз кучида қолдирилиши ҳақида.

68-модда. Комиссиянинг қарорини расмийлаштириш

Комиссиянинг қарори Комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда, Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи бўлади.

Комиссиянинг қарори Комиссия котиби томонидан баённома тарзида расмийлаштирилади.

Баённомада манфаатдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, кўчмас мулк тўғрисидаги тегишли маълумотлар ва Комиссия томонидан мурожаат бўйича қабул қилинган қарор кўрсатилади.

Баённома Комиссиянинг ҳар бир аъзоси томонидан имзоланади ва тасдиқлаш учун Комиссия раисига тақдим этилади.

Комиссия котиби Комиссия раиси томонидан тасдиқланган баённомадан кўчирманинг нусхалари рўйхатдан ўтказувчига ва манфаатдор шахсга шу куннинг ўзида берилишини таъминлайди.

Баённома Комиссия котиби томонидан Комиссиянинг хужжатларига қўшиб қўйилади.

Комиссия қарори кўчмас мулкка бўлган ҳуқуққа нисбатан янгидан очилган ҳолатлар асосида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

69-модда. Комиссиянинг қарори устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш

Апелляция комиссияси маҳсус ваколатли давлат органининг қарорига кўра шакллантирилади. Апелляция комиссияси таркиби Апелляция комиссияси раиси ва маҳсус ваколатли давлат органининг, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг мансабдор шахслари орасидан Комиссия фаолиятида иштирок этмаган камида тўрт нафар аъзо киради.

Комиссиянинг ёки рўйхатдан ўтказувчининг хulosасидан норози бўлган манфаатдор шахс Комиссиянинг хulosаси олинган кундан эътиборан икки ой муддатда Апелляция комиссиясига мурожаат қилишга ҳақли.

Манфаатдор шахс, рўйхатдан ўтказувчи орган ёки рўйхатдан ўтказувчи томонидан берилган шикоят Апелляция комиссияси томонидан ўн иш куни ичида кўриб чиқилади.

Апелляция комиссияси манфаатдор шахснинг, рўйхатдан ўтказувчи орғанинг ёки рўйхатдан ўтказувчининг шикоятини кўриб чиқиш натижаларига кўра Комиссия хulosасини бекор қилиш ёки уни ўз кучида қолдириш тўғрисида қарор қабул қиласи.

Апелляция комиссияси тегишли қарор манфаатдор шахснинг, рўйхатдан ўтказувчи органнинг ва рўйхатдан ўтказувчининг эътиборига етказилишини таъминлайди.

Ариза берувчи Комиссиянинг ва Апелляция комиссиясининг қарорларидан норози бўлган тақдирда, низолар судда кўриб чиқилади.

Судларда кўриб чиқилган ёки кўриб чиқилаётган низолар Комиссия томонидан такороран кўриб чиқилмайди.

10-боб. Якунловчи қоидалар

70-модда. Низоларни ҳал этиш

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги низолар конунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

71-модда. Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиқда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

72-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўимитаси хузуридаги Кадастр агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти ахоли ўртасида тушунирилишини таъминласин.

73-модда. Конунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳукуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишиларини таъминласин.

74-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 28 ноябрь,
ЎРҚ-803-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ
 ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
 КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
 ҚАРОРИ

440 «Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкини сақлаш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида^{*}

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1672-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 авгуустдаги ПҚ-346-сон «Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларни молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги **қарор қилади**:

1. Айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Уй-жой коммунал хизмат
кўрсатиш вазири**

Ш. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 28 октябрь,
284-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2022 йил 27 октябрь,
58-сон

**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазири**

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 27 октябрь,
59-сон

Д. КУЧКАРОВ*Келишилди:*

*Давлат солиқ
құмитаси раиси*

Ш. КУДБИЕВ

2022 ыйл 30 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси
Үй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2022 ыйл 28 октябрдаги 284-сон, Молия вазирлигининг 2022 ыйл 27 октябрдаги 58-сон ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 ыйл 27 октябрдаги 59-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-хуқуқий хужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2006 ыйл 25 декабрдаги 104, 17, 01-1371-сон «Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкини сақлаш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида» қарори (рўйхат рақами 1672, 2007 ыйл 10 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 ый., 15-сон, 161-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2014 ыйл 4 июндаги 43, 72, 02-1/592-сон «Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкини сақлаш бўйича жой мулкдорларининг маж-

бурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» қарори (рўйхат рақами 1672-1, 2014 йил 27 июн) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 26-сон, 321-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2015 йил 13 августдаги 74, 98, 014-1/576-сон «Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкини сақлаш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» қарори (рўйхат рақами 1672-2, 2015 йил 17 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 448-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

441 «Экстернат тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида^{*}

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2670-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 июндаги 295-сон «Халқ таълими тизимида давлат хизматлари кўрсатишни янада тако-миллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 13 апрелдаги 9-мх-сон «Экстернат тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2670, 2015 йил 11 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 19-сон, 236-мода);

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 15 ноябрдаги 13-мх-сон «Экстернат тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (руйхат рақами 2670-1, 2018 йил 12 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2018 й., 10/18/2670-1/2308-сон).

2. Мазкур буйруқ 2023 йил 1 февралдан кучга киради.

Вазир

Б. САИДОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 17 ноябрь,
8-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

442 Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 122-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-8

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 августдаги ПФ-198-сон «Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 2-мҳ-сон бўйруғи (рўйхат рақами 3113, 2019 йил 4 январь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2019 й., 10/19/3113/2422-сон) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 122-банди биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«122. Мерос таркибида бошқаришни талаб қиласиган мол-мулк, шу жумладан ягона таъсисчига эга бўлган тадбиркорлик субъекти — юридик шахс ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулки мавжуд бўлса, шунингдек мерос қолдирувчининг кредиторлари меросхўрлар томонидан меросни қабул қилиб олгунига қадар даъво қўзғатган ҳолларда, нотариус мерос мол-мулкининг бошқарувчисини тайинлайди ва бу ҳақда қарор чиқаради.».

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

A. ТАШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 26 ноябрь,
26-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУФИ

443 Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан крипто-активларни чиқариш, чиқаришни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3397*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан крипто-активларни чиқариш, чиқаришни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага киритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2022 йил 24 ноябрь,
61-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 29 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойихалар миллый агентлиги
директорининг 2022 йил 24 ноябрдаги
61-сон буйруғига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан криpto-активларни чиқариш, чиқаришни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага киритиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан криpto-активларни чиқариш, чиқаришни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага киритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

криpto-актив — маълумотларнинг тақсимланган реестридаги рақамли ёзувлар йиғиндиси бўлган, қиймати ва эгасига эга мулкий хуқуқ;

токен — криpto-активнинг бир тури бўлган, смарт-контракт асосида бошқариладиган, маълум бир активга бўлган мажбуриятни ёки мулк хуқуқини тасдиқлаш учун мўлжалланган маълумотларнинг тақсимланган реестридаги ҳисоб бирлиги;

смарт-контракт — рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали хуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома;

таъминланган токен — бирор-бир моддий ва (ёки) бошқа мулк билан таъминланган токен;

криpto-активлар айланмаси соҳасида хизматлар провайдери (бундан кейин матнда — хизматлар провайдери) — жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан уларнинг номидан криpto-активларни сотиб олиш, сотиш, айирбошлаш, сақлаш, чиқариш, жойлаштириш ва бошқариш бўйича хизматларни кўрсатувчи Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган юридик шахс;

инвестицион токен — таъминланган токенларнинг эмитенти ва уларнинг эгалари ўртасидаги мулкий хуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқловчи таъминланган токеннинг тури. Инвестицион токенлар уларнинг эгасига асосий қарз, даврий фоизлар ва (ёки) эмитент даромадининг бир қисмини олиш хуқуқини беради;

активлар билан таъминланган токен — токен эгасига моддий активга бўлган хуқуқни берувчи инвестицион токеннинг тури;

товар токени — товарнинг рақамли аналоги бўлган, шу жумладан таъминот занжирини аниqlаш, кузатиб бориш ва мониторинг қилиш, қийматни товар ва (ёки) хизматга айирбошлаш учун ўтказиш воситаси сифатида ишлатиладиган таъминланган токеннинг тури;

барқарор токен — қиймати миллий ёки хорижий валютанинг номинал қийматига тенг бўлган таъминланган токеннинг тури;

эмитентнинг экотизими — крипто-активларни чиқариш, тақсимлаш ва айланмасига мўлжалланган эмитентнинг ахборот тизими;

таъминланмаган токен — бирор-бир моддий ва (ёки) бошқа мулк билан таъминланмаган токен;

утилитар токен — эмитентнинг экотизимида смарт-контракт билан белгиланган ҳаракатларни амалга ошириш учун мўлжалланган, шу жумладан қийматига эга ўлчов бирлиги сифатида ифодаланган таъминланмаган токеннинг тури;

руксат бериш токени — эмитентнинг дастурий таъминот функцияларига рұксат бериш учун мўлжалланган, шу жумладан токен эгасига уни хизматлар провайдерларининг платформаларида миллий валютага ва (ёки) крипто-активнинг бошқа турига алмаштириш ҳуқуқини берадиган утилитар токеннинг тури;

чиpta токени — токен эгасига эмитент томонидан ўтказиладиган тадбирларга бир марта бориш ҳуқуқини тасдиқловчи утилитар токеннинг тури;

ваучер-токени — токен эгасига электрон товарлар ва хизматлар, шу жумладан хизматлар провайдерларининг электрон платформалари доирасида чегирма олиш ҳуқуқини берувчи утилитар токеннинг тури;

бошқарув токени — токен эгасига эмитент экотизими доирасидаги лойиҳа юзасидан овоз бериш жараёнида қатнашиш ҳуқуқини берувчи утилитар токеннинг тури;

ўзаро ўзгармас токен — моддий ва (ёки) бошқа мулк билан таъминланмаган, мулкдорнинг рақамли шаклдаги ноёб контентга (матн, аудиовизуал, мусиқий, фотографик асарлар, шунингдек тасвирий санъат асарлари ва бошқалар) бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи крипто-активнинг алоҳида тури;

крипто-активни чиқариш — крипто-активнинг пайдо бўлишига қаралтилган ташкилий-техник тадбирлар;

крипто-активлар чиқаришни рўйхатдан ўтказиш — чиқарилган крипто-активларни крипто-депозитарий томонидан муомалага киритишига рұксат бериш учун ушбу Низом талабларига мувофиқ текшириш ва крипто-активларнинг электрон реестрига киритиши;

таъминланган токеннинг дастлабки таклифини жойлаштириш — фаолиятни молиялаштириш ва инвестицияларни жалб қилиш мақсадида таъминланган токенларни крипто-депозитарий ва крипто-биржанинг электрон платформаларида ёки эмитентнинг экотизимида муомалага киритиши;

ёпиқ савдо — таъминланган токенларни чекланган инвесторлар орасида оммавий эълон қилмасдан ва реклама компанияси ўтказмаган ҳолда жойлаштириш орқали ўтказиладиган савдо тури;

очиқ савдо — таъминланган токенларни чекланмаган инвесторлар орасида реклама компаниясини ўтказган ҳолда, шу жумладан таъминланган токенларнинг оммавий таклифини жойлаштириш орқали ўтказиладиган савдо тури;

ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойихалар миллий агентлиги;

криpto-депозитарий — криpto-активларни чиқариш, уларни дастлабки жойлаштириш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш бўйича электрон платформа ва (ёки) техник ва дастурий воситалар мажмууни тақдим этувчи Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган юридик шахс;

«White paper» декларацияси — криpto-активлар ва токенларни жойлаштириш орқали инвестициялар жалб қилинадиган эмитент ташкилотнинг фаолияти ҳақида маълумотни ўз ичига олган хужжат;

эмитент — криpto-активларни чиқарувчи ҳамда улар юзасидан криpto-актив эгалари олдида «White paper» декларацияси ва (ёки) шартномада белгиланган мажбуриятларни зиммасига оладиган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркор;

криpto-активларнинг электрон реестри (бундан бўён матнда реестр деб юритилади) — ваколатли органнинг Ўзбекистон Республикаси худудида чиқарилган ва криpto-депозитарий томонидан рўйхатдан ўтказиладиган криpto-активлар чиқарилишини ҳисобга олувчи ахборот ресурси;

криpto-активнинг эгаси — эмитент томонидан чиқарилган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган криpto-активларга эгалик қилиш хукукини олган юридик ёки жисмоний шахс.

2. Криpto-депозитарий Ўзбекистон Республикаси резидентларига шартнома асосида криpto-активларни чиқариш, рўйхатдан ўтказиш, муомалага киритиш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатади. Мазкур хизматларни кўрсатиш учун тақдим этиладиган хужжатлар, кўрсатиладиган хизматлар учун тарифлар криpto-депозитарий томонидан белгиланади ҳамда унинг электрон платформасига жойлаштирилади.

3. Криpto-депозитарий ўз фаолиятини криpto-депозитарийнинг электрон платформаси ва (ёки) техник ва дастурий воситалар мажмуи орқали электрон шаклда амалга оширади.

4. Криpto-депозитарийнинг электрон платформасида қўйидагилар амалга оширилади:

криpto-активларни сақлаш;

криpto-активларни чиқариш ва (ёки) чиқаришни рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни қабул қилиш;

таъминланган токенларнинг дастлабки таклифини жойлаштириш ва сақлаш;

криpto-активларни муомалага киритиш, шу жумладан уларни хусусий ва (ёки) очиқ савдоларга чиқариш;

ўзаро ўзгармас токенларни чиқариш, чиқаришни рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш;

криpto-депозитарийнинг электрон платформасида амалга оширилган операциялар бўйича ҳисбот ҳужжатларини тайёрлаш ва шакллантириш;

криpto-активларни чиқариш, чиқаришни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага киритиш билан боғлик операцияларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва ошкор қилиш;

крипто-депозитарий фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа операциялар.

Крипто-депозитарий мазкур бандда назарда тутилган операцияларни амалга ошириш учун қўйиладиган талабларни назарда тутувчи ўзининг лоқал хужжатларини ишлаб чиқади ва электрон платформасига жойлаштиради.

5. Қўйидагилар крипто-депозитарийнинг вазифалари ҳисобланади:

ўз электрон платформасининг зарур даражада ишлашини ва унинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

хар куни кун якуни бўйича амалга оширилган операциялар ҳақида барча маълумотларнинг захира нусхасини яратиш;

крипто-активларни чиқариш, чиқаришни рўйхатдан ўтказиш ва муомала-га киритиш бўйича эмитент ва крипто-актив эгаларининг талабномаларини бажариш;

ваколатли органнинг сўровига кўра эмитент ёки крипто-актив эгаларининг талабномалари, таклифлари ва шикоятларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ахборот тақдим этиш;

ходимлар ва фуқаролик-хуқуқий шартномалар асосида жалб қилинган шахсларнинг крипто-депозитарий фаолиятини тартибга солувчи, жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик хужжатлари ва крипто-депозитарий томонидан тасдиқланадиган бошқа локал хужжатларни билиш даражасини доимий ошириб бориш;

крипто-активларни реклама қилишда қонунчилик хужжатларида белги-ланган талабларга риоя қилиш;

крипто-депозитарий томонидан кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиш учун мурожаат қилган юридик шахсларнинг раҳбарлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва уларнинг вакиллари, шунингдек жисмоний шахсларни мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган шахслар тоифасига киришини текшириш;

таъминланган токенларни дастлабки таклифини жойлаштириш мақсадида уларни таъминлаш учун киритилган моддий ва (ёки) бошқа мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини текшириш;

ўзининг электрон платформасида крипто-активларнинг чиқарилиши ва (ёки) чиқаришни рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилишини таъминлаш;

эмитентнинг утилитар токенларни муомалага киритиш, уларни йўқ қилиш ёки амал қилиш муддати тугаганидан сўнг муомаладан чиқаришга қартилган экотизими мавжудлигини текшириш.

6. Крипто-депозитарийга қўйидагилар тақиқланади:

жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ террорчилик фаолияти ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига кири-

тилган шахсларга крипто-активларни чиқариш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага киритиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

ўз электрон платформасида чиқарилган ёки рўйхатдан ўтказилган крипто-активларнинг номланиши ёки рамзларида «давлат», «давлат томонидан таъминланган», «давлат томонидан қўллаб-куватланган», «Ўзбекистон», «ўзбек», «миллий», «сўм (UZS)» ҳамда Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари нинг номларини тўлиқ ёки қисқартирилган шаклда, уларнинг бирликларидан фойдаланган ҳолда, исталган тилда ва ҳар қандай шаклда ишлатиш.

2-боб. Крипто-активларни чиқариш, чиқаришни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага киритиш

1-§. Крипто-активларни чиқариш ва чиқаришни рўйхатдан ўтказиш

7. Эмитент крипто-активларни, жисмоний шахслар эса фақат ўзаро ўзгармас токенларни крипто-депозитарий ёки бошқа электрон платформалар орқали чиқаришлари мумкин, бундан мазкур Низомнинг 6-банди иккинчи хатбошида кўрсатилган шахслар мустасно.

8. Ўзбекистон Республикаси худудида қўйидаги крипто-активларни резидентлар томонидан чиқариш ва крипто-депозитарий томонидан чиқаришни рўйхатдан ўтказиш тақиқланади:

таъминланмаган токенлар, ушбу бобнинг 4-параграфида кўрсатилган холлар бундан мустасно;

барқарор токенлар.

9. Эмитент томонидан чиқариладиган крипто-активларнинг номинал қиймати миллий валютада ифодаланади.

10. Эмитент ёки унинг бошқарув органи томонидан крипто-активларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинади ва унда қўйидагилар кўрсатилади:
қарор чиқарилган сана;

эмитентнинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

чиқарилган крипто-активларнинг сони;

крипто-активларга бўлган ҳуқуқларнинг тури ва хажми, шунингдек смарт-контракт ва маълумотларнинг тақсимланган реестри тўғрисидаги маълумотлар;

крипто-активларга бўлган ҳуқуқларни уларнинг эгасига ўтказиш тартиби;

крипто-активлар эгасининг ҳуқуқлари;

крипто-активларни жойлаштириш ва бошқариш шартлари.

Крипто-активларни чиқариш тўғрисидаги қарорда қонунчиликка муовфик бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

11. Крипто-активларни чиқариш тўғрисидаги қарор унинг дастлабки жойлаштирилишидан бир ой олдин эмитентнинг расмий веб-сайтида ёки бошқа ахборот ресурсида эълон қилиниши лозим.

12. Крипто-активлар чиқаришни рўйхатдан ўтказиш факат крипто-депозитарий томонидан амалга оширилади.

13. Крипто-депозитарийга крипто-активлар чиқаришни рўйхатдан ўтказиш учун эмитент томонидан «White paper» декларацияси тақдим этилиши лозим. Бунда, «White paper» декларациясида қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

а) эмитент тўғрисидаги маълумотлар (юридик шахснинг тўлиқ номи, якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, фаолият тури, эмитент томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизмат);

б) крипто-активни чиқариш, сақлаш ва (ёки) тақсимлаш учун фойдаланиладиган маълумотларнинг тақсимланган реестри технологияси ва электрон платформа тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек эмитент ва (ёки) тизимнинг ёгаси томонидан тизим хавфсизлигини таъминлаш учун кўрилган чоралар;

в) крипто-активни чиқарган дастурчи (дастурчилар грухи) тўғрисидаги маълумотлар;

г) крипто-активнинг асосий характеристикалари, шу жумладан крипто-активга бўлган ҳуқуқлар ва уларни айирбошлаш орқали молиялаштириладиган лойиха тафсилотлари;

д) крипто-активларга эгалик ҳуқуқини ўтказиш усувлари ёки механизmlари (сертификатлаш, маълумотлар реестри ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;

е) крипто-активларнинг қийматини баҳолаш услубиёти;

ж) фирибгарлик, хакерлик ҳужумлари ва (ёки) бошқа молиявий жиноятлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган хавфлар ва уларга қарши харакатлар тўғрисида маълумот;

з) таъминланган токенлар хизматлар провайдерининг электрон платформасида дастлабки жойлаштирилишидан сўнг уларни қайтариб сотиб олиш тартиби ва усувлари (холатлари, ҳажми, пул маблағларини қайтариш усули ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;

к) крипто-активларни муомалага киритишдан олинган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган лойиха ва уни ривожлантириш бўйича маълумотлар (қандай лойиха амалга оширилиши, унинг муддатлари ва механизmlари);

л) крипто-депозитарийнинг локал ҳужжатлари билан белгиланган қўшимча маълумотлар, шу жумладан крипто-активлар рекламаси.

14. Крипто-депозитарий мазкур Низом, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ва ўзининг локал ҳужжатларига мувофиқ крипто-активларни чиқариш ва чиқаришни рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш бўйича мустақил қарор қабул қиласи.

15. Крипто-депозитарий крипто-активлар чиқаришни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиласи кундан бошлаб бир кун ичida бу ҳақда ваколатли органни хабардор қилиши керак.

Ваколатли органни хабардор қилиш реестрга тегишли маълумотларни киритиш ва автоматик равишда берилган тартиб рақамини олиш йўли билан амалга оширилади.

Крипто-активлар реестрга тегишли маълумотлар киритилган ва тартиб рақами олинган санадан эътиборан рўйхатдан ўтказилган деб хисобланади.

2-§. Крипто-активларни муомалага киритиш

16. Крипто-активларни муомалага киритиш крипто-депозитарий томонидан уларнинг дастлабки таклифини ўзининг, крипто-биржалар ёки крипто-активлар сотиладиган бошқа электрон платформаларнинг листингига киритиш орқали амалга оширилади.

17. Крипто-активларни муомалага киритиш учун листингга киритиш тартиби ва шартлари крипто-депозитарий ва крипто-биржа ёки крипто-активлар сотиладиган бошқа электрон платформалар ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

3-§. Таъминланган токенларни чиқариш ва рўйхатдан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари

18. Таъминланган токенларни чиқариш ва чиқаришни рўйхатдан ўтказиш эмитент томонидан ўз фаолиятига инвестицияларни жалб қилиш ва фаолиятини ривожлантириш мақсадида мазкур Низом ва крипто-депозитарийнинг локал хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

19. Крипто-депозитарий эмитент томонидан тақдим этилган таъминланган токенларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва бошқа хужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилигини текширади, шунингдек таъминланган токенларга бўлган хукуқларни токенлар эгасига ўтказиш имкониятини аниқлайди.

20. Крипто-депозитарий таъминланган токенларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган маълумотларни Интернет жаҳон ахборот тармоғига оммавий жойлаштиради.

Крипто-депозитарий таъминланган токенларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган маълумотларни улар эълон қилинган кундан бошлаб таъминланган токенлар эгаларига ўтказилгунига қадар мавжуд бўлишини таъминлайди.

21. Таъминланган токенларни чиқариш тўғрисидаги қарорда фақат битта турдаги таъминланган токенларни чиқариш ва чиқаришни рўйхатдан ўтказиш назарда тутилиши лозим.

22. Крипто-депозитарий таъминланган токенларни чиқаришни рўйхатдан ўтказишда уларнинг таъминоти сифатида қўйилган моддий ва (ёки) бошқа мол-мулкнинг мавжудлигини текшириши шарт.

23. Эмитент томонидан чиқарилган таъминланган токенлар учун крипто-активлардан таъминот сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

4-§. Утилитар токенларни чиқариш ва рўйхатдан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари

24. Эмитент томонидан қўйидаги утилитар токенлар чиқарилиши мумкин:

рухсат бериш токени;
чишта токени;
ваучер-токени;
бошқарув токени.

Мазкур бандда назарда тутилган утилитар токенларни чиқариш, чиқаришни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага киритиш ушбу Низом, криpto-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ва криpto-депозитарий томонидан белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

25. Утилитар токенлардан эмитентнинг экотизимидан ташқарида фойдаланишга йўл қўйилмайди, бундан мазкур Низомда белгиланган ҳолатлар мустасно.

26. Муомалага чиқарилган утилитар токенлар «White paper» декларацияси ёки эмитентнинг расмий веб-сайтида кўрсатилган муддатда амал қиласди.

Криpto-депозитарий утилитар токенларнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг бу ҳақда ўзининг электрон платформаси ва (ёки) расмий веб-саҳифасида хабар бериши шарт.

Утилитар токенлар амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, улар эмитент томонидан муомаладан чиқарилиши ва йўқ қилиниши керак.

3-боб. Криpto-активларнинг электрон реестрини юритиш

27. Ваколатли орган томонидан реестр электрон шаклда юритилади. Реестрга чиқарилиши рўйхатдан ўтказилган барча криpto-активлар тўғрисидаги қўйидаги маълумотлар киритилади:

эмитентнинг номи, унинг ташкилий-хукуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), электрон почта манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), телефон рақами;

чиқарилаётган криpto-активнинг номи ва миқдори тўғрисидаги маълумотлар;

криpto-активлар чиқарилган маълумотларнинг тақсимланган реестри хақидаги маълумотлар;

криpto-активларни чиқариш ва чиқаришни рўйхатдан ўтказиш санаси ҳамда тартиб рақами.

28. Реестрга киритилган маълумотлар ваколатли органнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ҳамда барча учун очик ҳисобланади.

4-боб. Криpto-активларга бўлган хукуқларни ҳисобга олиш

29. Чиқаришни рўйхатдан ўтказилган криpto-активларга бўлган хукуқларни ҳисобга олиш криpto-депозитарийнинг электрон платформаси ва маълумотларнинг тақсимланган реестрида рўйхатга олиш орқали амалга оширилади.

30. Криpto-активларга бўлган хукуқлар криpto-депозитарийнинг электрон платформасига тегишли ёзув киритилган пайтдан бошлаб криpto-активлар эгасига ўтади.

5-боб. Крипто-актив эгасининг ҳуқуқлари

31. Крипто-активлар эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

крипто-активларни тасарруф этиш, шартномада белгиланган миқдорда фойда ёки бошқа имтиёзлар олиш;

крипто-активларни, агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, сотиш, ўтказиш ва (ёки) айирбошлиш;

крипто-депозитарийдан ўзига тегиши доирада ва ҳажмда амалга оширилган операциялар тўғрисида ахборот сўраш ҳамда олиш.

Крипто-активлар эгаси крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ва крипто-депозитарий томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

32. Крипто-активлар эгаси:

крипто-активларни сотиб олиш тўғрисидаги шартномада белгиланган талаблар ва шартларни бажариши, агар мавжуд бўлса;

эмитент томонидан чиқарилган жами крипто-активларнинг 35 ёки ундан ортиқ фоизини сотиб олганлиги тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиши лозим.

Крипто-активлар эгаси томонидан маълумотларни ошкор қилиш тартиби ва муддатлари крипто-депозитарийнинг локал ҳужжатларида белгиланади.

6-боб. Якуний қоидалар

33. Крипто-депозитарий, эмитентлар ва крипто-активлар эгалари ўртасидаги низолар томонларнинг келишувига кўра ёки суд тартибида ҳал қилинади.

34. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

444 Кўп квартирали уйлардаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг мажбурий бадаллари ёки тўловлари микдорини белгилашда харажатларнинг таркибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3398*

Ўзбекистон Республикасининг «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Конуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 августдаги ПҚ-346-сон «Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларни молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Кўп квартирали уйлардаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг мажбурий бадаллари ёки тўловлари микдорини белгилашда харажатларнинг таркибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 28 октябрь,
28-сон

Келишилди:

*Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазирининг
биринчи ўринбосари*

И. НОРҚУЛОВ

2022 йил 15 октябрь

Молия вазири

T. ИШМЕТОВ

2022 йил 7 октябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

*Монополияга қарши курашиш
қўймитаси раиси*

Ш. ШАРАХМЕТОВ

2022 йил 14 октябрь

Ўзбекистон Республикаси
уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш
вазирининг 2022 йил 28 октябрдаги
283-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Кўп квартирали уйлардаги турар жойлар ва яшаш учун
мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг мажбурий бадаллари
ёки тўловлари миқдорини белгилашда харажатларнинг
таркибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом кўп квартирали уйлардаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг (бундан бўён матнда жойлар мулкдорлари деб юритилади) мажбурий бадаллари ёки тўловлари миқдорини белгилашда харажатларнинг таркибини аниқлаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Жойлар мулкдорларининг мажбурий бадаллари ва
тўловларини белгилашда харажатлар таркиби**

1. Жойлар мулкдорларининг мажбурий бадаллари ва тўловлари қўйида-
гилардан ташкил топади:

а) кўп квартирали уйнинг умумий мол-мулкини сақлаш (уларга хизмат кўрсатиш), улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш билан боғлик қўйи-
даги харажатлар:

кўп квартирали уй томининг гидроизоляция қатламини тиклаш ва ямаш,
томни тўлиқ алмаштириш;

кўп квартирали уйнинг умумий мол-мулки бўлган умумий жойлар,
таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартиралар оралиғидаги иҳоталанган (ўра-
ма) пиллапоялар, зинапоялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ҳамда бошқа
шахталар, даҳлизлар, техник қаватлар, ертўлалар, чердаклар, уй ичидағи
муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, жойларнинг ташқарисида
ёки ичда жойлашган ҳамда биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган ме-
ханик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа
ускуна ва қурилмаларни сақлаш ва таъмирлаш;

кўп квартирали уйга кириш йўлаги эшик ва деворларини таъмирлаш,
суваш, бўяш ҳамда дераза конструкциялари ва эшик блокларини янгилаш,
эшикларга домофон ўрнатиш;

кўп квартирали уй атрофи ва кириш йўлаклари, шунингдек умумий фой-
даланишдаги жойларни ёритиш;

ёнфинга карши тадбирларни амалга ошириш, санитария ҳолати, шахарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, одамларнинг хаётига, соғлиғига ва мол-мулкига ҳамда атроф-мухитга бевосита хавф туғдириши мумкин бўлган ҳолатларни бартараф этиш бўйича мажбурий тадбирларни ҳамда ишларни амалга ошириш;

хом ашё, материаллар, ёқилғи, инвентар ва хўжалик анжомларини сотиб олиш;

кўп квартирали уйга туташ ер участкасини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш (экиш, парвариш қилиш, дараҳтларга ишлов бериш, буталарни ва майсазорларни кесиш ҳамда сугориш хизматлари);

аҳолига қулайлик яратиш учун кўп квартирали уйга туташ ер участкасида ўриндиқлар ўрнатиш;

кўп квартирали уйнинг умумий мол-мулкини сақлаш учун тижорат банкларидан олинган кредитларни қоплаш харажатлари;

жойлар мулқдорларининг умумий йиғилиши қарорида назарда тутилган қўшимча хизматлар ва ишлар.

б) кўп квартирали уйни бошқариш билан боғлиқ қўйидаги харажатлар:

жойлар мулқдорлари ширкати бошқарувининг (бундан бўён матнда бошқариш органи деб юритилади) маъмурий ходимлари ҳамда ишчи хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш;

бошқариш органининг кўп квартирали уйни бошқариш учун зарур бўлган техника, алоқа ва ахборот коммуникация технологиялари воситаларини сақлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш;

бошқариш органининг маъмурий эҳтиёжлари учун бинолар ва хоналар ижараси хақини тўлаш;

бошқариш органининг ходимларини мажбурий суғурта қилиш;

инвентарлар ва хўжалик анжомларини сақлаш ва уларнинг қийматини хисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар;

кўп квартирали уйни бошқариш билан боғлиқ ҳолда тижорат банклари ва электрон тўлов тизимлари орқали амалга ошириладиган тўловлар;

бошқариш органининг кадрлари малакасини ошириш.

2. Кўп квартирали уй бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи томонидан бошқарилганда, бошқарувчи ташкилот ва бошқарувчининг кўп квартирали уйни бошқариш билан боғлиқ харажатлари таркибини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 сон қарори билан тасдиқланган Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиши харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

3. Бошқариш органи томонидан бир нечта кўп квартирали уй бошқарилганда, мазкур Низомнинг 1-банди «б» кичик бандида назарда тутилган тадбирлардан келиб чиқадиган харажатлар бошқарувдаги кўп квартирали уйлар сонига мутаносиб равишда тақсимланган ҳолда ҳар бир кўп квартирали уйни бошқариш билан боғлиқ харажатларга мутаносиб аниқланади.

2-боб. Жойлар мулкдорларининг 1 метр квадрат майдон учун мажбурий бадалларини ҳисоблаш тартиби

4. Жойлар мулкдорларининг 1 метр квадрат майдонни сақлаш ва таъмирлаш учун мажбурий бадаллари миқдори қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{БЗ} = \frac{(\Sigma X + \Sigma \Phi) - \Sigma D}{\Sigma \text{Мумум} * 12} \text{ (сўм)}$$

Бу ерда:

БЗ — тураг жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жой умумий майдонининг метр квадрати учун ойлик мажбурий бадал миқдори;

ΣX — ушбу Низомнинг 1-бандида назарда тутилган йиллик режалаштирилаётган харажатлар суммаси;

$\Sigma \Phi$ — режалаштирилаётган зарурий фойда суммаси (ушбу сумма кўп квартирали уй фақат бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи томонидан бошқарилганда инобатга олинади).

Бунда, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи томонидан ўз фаолиятидан олинниши режалаштирилган зарурий фойда миқдори кўп квартирали уйдаги жойлар мулкдорларининг умумий йиғилишида келишилади ва умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланади;

ΣD — умумий харажатларни қоплашга йўналтириладиган (жойлар мулкдорларининг мажбурий бадалидан тушумни ҳисобга олмаган ҳолда) бошқа даромад ва тушум манбалари, жумладан:

кўп квартирали уйнинг ижарага берилган ертўла қисмлари ҳамда бошқа умумий мол-мулки учун ижаракилардан келиб тушадиган маблағлар;

кўп квартирали уйни капитал ва жорий таъмирлаш ишлари ҳамда кўп квартирали уйга туташ ер участкасини ободонлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетининг ҳамда маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбаларидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармасидан ажратиладиган маблағлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик ва хайрия тарзидағи маблағлари;

бошқариш органи билан коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган жойлар мулкдорларидан коммунал хизматлар учун ҳак йиғишида ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларга асосан коммунал хизматлар учун йиғилган маблағлардан бошқариш органига бериладиган ажратмалар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тушадиган маблағлар;

$\Sigma \text{Мумум}$. — бошқариш органи бошқарувида бўлган кўп квартирали уйнинг умумий майдони.

5. Кўп квартирали уйни бошқариш сметасининг харажатлар қисми даромадлар қисмидан ошиб кетиши мумкин эмас.

3-боб. Якуний қоида

6. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2022 йил 28 октябрдаги 284-сон, Молия вазирлигининг 2022 йил 27 октябрдаги 58-сон ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 27 октябрдаги 59-сон «Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкини сақлаш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1672-3.

2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2022 йил 17 ноябрдаги 8-мҳ-сон «Экстернат тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2670-2.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 26 ноябрдаги 26-мҳ-сон «Нотариуслар томонидан нотариал харакатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 122-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-8.

4. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 24 ноябрдаги 61-сон «Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан крипто-активларни чиқариш, чиқаришни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3397.

5. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг 2022 йил 28 октябрдаги 283-сон «Кўп квартирали уйлардаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг мажбурий

бадаллари ёки тўловлари миқдорини белгилашда харажатларнинг таркибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи.

2022 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3398.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2006 йил 25 декабрдаги 104, 17, 01-1371-сон «Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкини сақлаш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида» қарори (рўйхат рақами 1672, 2007 йил 10 апрель), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1672-1, 2014 йил 27 июнь), (рўйхат рақами 1672-2, 2015 йил 17 август).

2022 йил 28 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 13 апреддаги 9-мҳ-сон «Экстернат тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи (рўйхат рақами 2670, 2015 йил 11 май), шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар (руйхат рақами 2670-1, 2018 йил 12 декабрь).

2022 йил 28 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур хужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.